Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 26 январь 1974 йил, шанба ◆ № 22 (15.802). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИДА

ҚАРШИ, 25 январь. (ЎзТАГ). Бугун Қашқадарё область партия ташкилотининг XIII конференцияси очилди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси гулдурос қарсаклар остида фахрий президиумга сайланди.

Область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғойибов область партия комитетининг ҳисобот докладини қилди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Й. Р. Курбонов қатнашмоқда.

* * *

НАМАНГАН, 25 январь. (ЎзТАГ). Наманган область партия ташкилотининг XI конференцияси бугун ўз ишини бошлади.

Делегатлар партия Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини ғоят баланд руҳ билан фахрий президиумга сайладилар.

Область партия комитетининг биринчи секретари М. И. Иброҳимов обкомнинг ҳисобот докладини қилди.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин қатнашмоқда.

* * *

ТЕРМИЗ, 25 январь. (ЎзТАГ). Сурхондарё область партия ташкилотининг XV конференцияси бугун ўз ишини бошлади.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ғоят баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланди.

Область партия комитетининг биринчи секретари Н. М. Муродов обкомнинг ҳисобот докладини қилди.

Конференциянинг ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров қатнашмоқда.

* * *

УРГАНЧ, 25 январь. (ЎзТАГ). Бугун Хоразм область партия ташкилотининг XVII конференцияси очилди.

Делегатлар КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини гулдурос қарсаклар остида фахрий президиумга сайладилар.

Область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойберганов обкомнинг иши тўғрисида ҳисобот докладини қилди.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов иштирок этмоқда.

МУСОБАҚАНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ПАРТИЯВИЙ, СИЁСИЙ ИШДИР

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ҚАСАБА СОЮЗЛАРИ РЕСПУБЛИКА СОВЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТИМИЗ КУРСАТМАЛАРИГА МУВОФИҚ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАЛАРИДА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ҲАҚИДАГИ ҚАРОРЛАРИНИ РЕСПУБЛИКАМИЗ МЕҲНАТКАШЛАРИ ҚИЗҒИН МАЪҚУЛЛАМОҚДАЛАР.

«ЎЗБЕКИСТОН—50» ИШЧИНОМАСИ

ПАХТАКОРЛАРГА МАДАДКОРМИЗ

И. П. ВЕЛИКИЙ,
К. Е. Ворошилов номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ташсельмаш» заводининг бош инженери

ХАР ўн-ўн беш минутда конвейердан битта «зангори кема» чиқаётган қудратли заводимиз устахонадан ташкил топган десак, ҳеч ким ишонмаса керак. Ҳа, бу ҳақиқат! Бундан 49 йил муқаддам ҳозирги заводимиз ўрнида кетмон, белкурак, паншаха, хокандозлар ясаладиган устахона жойлашган эди. Кейинчалик устахона сал кенгайтирилиб, қишлоқ хўжалиги учун отга қўшиб ер ҳайдаладиган плуглар, темир молалар ва бошқа деҳқончилик қуроллари ясаладиган корхонага айлантирилди. Республикамиз «оқ олтин» ўлкаси бўлгани учун ҳам корхонамиз ишчилари зиммасига пахтакорларга ҳамиша мададкорлик қилиш вазифаси юкланди. Аммо, техника билан тўла жиҳозланмаган устахона бундай катта талабларга жавоб бероласди.

«Нима қилиш керак? Қандай қилсак, пахтакорлар йиғим-терим мавсумидаги машаққатлардан озод бўлишаркин?» Машинасоз конструкторлар, инженерлар тунгу-кун шу ҳақда бош қотиришди. Дастлабки йилларда Америкадан харид қилинган «Турманвакуум» ва «Америкен Коттон Пикер» машиналари ҳам қўл келмади. Ниҳоят, бу саволга 1937 йилда конструктор Леонид Моисеевич Розенблюм ўз ҳамкасблари билан жавоб топа олди. У «ЧТЗ» тракторига тиркаб ишлатиладиган 32 вертикал-шпинделли пахта териш барабанларини ишлаб чиқди. Машина 1938 йилда синовдан ўтказилди. Лекин ҳали уни мукаммал ишланган машина деб бўлмасди. Йиғим-терим давомида осма барабанлар тез-тез бузиларверар, пахтанинг ярмидан кўпини ерга тўкиб-сочиб кетарди.

Машинасозлар зиммасига ана шу шпинделлар ҳаракатини такомиллаштириш вазифаси юкланди. Шу муносабат билан заводимиз пахта териш машиналари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди. Корхонамиздан эса «Узбекхлопкомаш», «Чирчиксельмаш», «Узбексельмаш», тракторсозлик синглари йирик машинасозлик заводлари ажралиб чиқди.

ЗАВОДИМИЗ ишчи, инженер-техник ходимлари пахтачилик машиналари бўйича махсус давлат конструкторлик бюроси мутахассислари билан ҳамкорликда иш тутиб, яхши натижаларга эриша бошладилар. Корхонада ўтган йиллар давомида ўнлаб хил пахта териш машиналарининг тажриба-синов нусхалари тайёрланди. Эскилари ўрнига янгиларга жорий этилди. Пахтакорларнинг юксак талабларига жавоб бермай қолган машиналар эса ишлаб чиқаришдан олиб ташланди. Янги хил мукаммал пахта териш машиналари яратиш йўлидан борилди.

Заводимиз ташкил этилгандан буён ўтган қарийб 50 йил мобайнида, у беқиёс даражада тараққий этди. Унинг шу кунги қудратини бир сўз билан ифодалаш қийин. Биз, машинасозлар босиб ўтган шонли йўлимиз билан ҳақли суратда фахрланса-сак арзийди. Ҳозирги кунларда ишлаб чиқарилаётган «ХТ», «Ўзбекистон» деб номланган машиналарнинг довруғини ким эшитмаган! Корхонамиз тамғаси қўйилган «зангори кема»ларни Совет Иттифоқининг пахта экиладиган барча районларида учратиш мумкин. Бундан ташқари, Болгария Халқ Республикаси, Куба, Ҳиндистон, Туркия, Эрон ва Сурия пахтакорлари ҳам машиналаримизга талабгор бўлиб қолишди. Машиналаримиз унумдорлиги жиҳатдан дунёда биринчи ўринларга чиқиб олди. Ижодкор конструкторларимиз яратган «ХН-3,6» маркали олти қаторли машина жаҳон пахтачилиги тарихида мисли кўрилмаган қудратли агрегатдир.

Республика машинасозлик саноатининг отаҳон корхонаси ҳисобланган «Ташсельмаш» заводининг меҳнатсевар коллективи тўққизинчи беш йилликнинг учинчи йили план-топшириқларини ошириб бажариб, пахтакорларга 6 минг 725 дона такомиллаштирилган мукаммал машиналар етказиб берди. Бу, кўзда тутилганидан анча зиёддир.

ХАЛ қилувчи йилда машинасозларимиз янги меҳнат ғалабаларини қўлга киритишди. Ингичка толали пахтани теришга мослаштирилган «НЮ-75», «НЮ-105» маркали тозалагичли ва тозалагичсиз янги хил машиналарнинг синов нусхалари тайёрланди. Бу машиналар ўтган мавсумда синовдан муваффақиятли ўтди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев республикамизга Халқлар дўстлиги ордени топширилишига бағишланган қўшма мажлисда сўзлаган нутқида машинасозларимиз эришган ютуқларни муносиб баҳолади.

Коллективимиз завод камолотига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган, кунларни-тунларга улаб тер тўккан, корхона қурилишидан сўнг ишлаб чиқаришда қолган ветеран фидокорларни асло унутмайди. Н. Содиқов, Т. Ёқубов, М. Воробьев, И. Исмоилов, Г. Волков, Х. Муродов, Ф. Солиҳўжаев, М. Юсупов, К. Зокиров, Е. Иванов каби ўнлаб қалдирғоч машинасозлар, конструкторлар, инженер-техниклариинг номлари завод тарихига абадий ёзиб қўйилган.

Заводимиз етук кадрлар ўчоғидир. Бир пайтлар корхонамизда ишлаб юрганлар талай кишилар ҳозирги кунда юқори ташкилотларда раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилаётирлар. Фидокорлик намуналарини кўрсатиб ишлаётган, партия ва ҳукуматимизнинг орден ва медаллари билан мукофотланган ишчиларимиз кўп. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига мушарраф бўлган механика-йиғув цехининг мастери Мустаким Юсупов, 14-цех ишчиси Наталья Удалова, асбосбозлик цехининг токари Борис Ефремов каби ишчиларимиз билан ҳақли суратда фахрланамиз.

КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати машинасозларимиз кучига-куч, ғайратига ғайрат қўшиб юборди. Серқуёш республикамизнинг олтин юбилейига арзигулик армуғон ҳозирлаш шу кунги энг муҳим ва жанговар шиоримиздир. Ўзбекистон юбилейи шарафига коллективимиз ўз зиммасига оширилган мажбуриятлар қабул қилди. Бу йил то йиғим-терим мавсумига қадар 500 дан зиёд пахта териш машинасини тайёрлаб, хўжаликларга юборамиз. Бундан ташқари «ХВА-1,2», «ХВБ-2,8» маркали кенг қатор ораларига мўлжалланган янги хил пахта териш машиналарининг синов нусхалари ишлаб чиқарилади.

Машинасозларимиз рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этишдан 480 минг сўм иқтисодий самара кўришга, материалларни тежаб-тергаб сарфлаш ҳисобига пландан ташқари 70 минг сўм иқтисодий фойда олишга аҳд қилишди. Олтин юбилей пишонладиган йил — ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришиладиган йил бўлади. Барча цех ва участкалар коллективлари ана шундай шиор остида бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб тер тўкмоқдалар.

Белгиловчи йилда «14-ХВ-2,4 А» ва «17 ХВ-1,8В» маркали машиналарнинг деталь ва узелларини олий категория аттестациясига тавсия этиш учун ҳамма техника ҳужжатларини тайёрлаш ва шунга яраша меҳнат қилиш тадбирлари кўрилмоқда. Ишчиларимиз мукаммал машиналар яратиш, пахтакорларга ҳамиша мададкорлик қилишдек жонажон бурчларини адо этаверадилар.

Қаҳрамон она — Доно Ҳожиеванинг номи Хонқа районидаги Ленин орденли Охунбобоев номли колхозда машҳур. Доно Ҳожиева беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида самарали меҳнати туфайли Ленин ордени билан мукофотланди. У ишлаётган колхоз аъзолари бу йил 1630 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 47 центнердан «оқ олтин»ни кутаришга бел боғладилар. Суратда: Доно Ҳожиева.

Қ. Отаев фотоси. (ЎзТАГ).

БУЮК ҚАРДОШЛИК ШАРОФАТИ

ТУВА АССРГА ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

ҚИЗИЛ, 24 январь. (ТАСС). Саян тоғларининг оппоқ қорли чўққилари ортида жойлашган Совет Туваси меҳнаткашлари юртида бугун катта қувончли байрам. Республиканинг байроғидаги Ленин орденининг ёнига бугун Халқлар дўстлиги ордени ҳам тақиб қўйилди. Тува АССР меҳнаткашларининг совет халқлари қардошларча дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашдаги катта хизматлари, социал-сиёсий ва маданий қурилишдаги катта муваффақиятлари учун ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 50 йиллигини нишонлаш юзасидан республика шу орден билан тақдирланди.

Тува область партия комитети билан республика Олий Советининг қўшма тантанали мажлисига партия совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, саноат ва қишлоқ хўжалигининг илғорлари ва новаторлар, фан ва маданият арбоблари тўпланишди. Тува АССР Олий Совети Президиумининг Раиси Б. Ш. Долчанмаа тантанали мажлисни очди.

Мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошлиқ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайладилар.

Мажлисда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. А. Лесечко табрик нутқи сўзлади. У КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети, РСФСР Олий Совети ва ҳукумати номидан, шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев номидан Тува Автоном Совет Социалистик Республикаси барча меҳнаткашларига самимий ва қизғин қутловлар топширди.

Тува АССРнинг Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланганлиги, — деб нутқини давом эттирди у, — Тува меҳнаткашлари учунгина эмас, шу билан бирга улуғ миллатли Ватанимизнинг барча халқлари учун ҳам катта қувончли воқеадир.

Ҳозирги Совет Туваси — яшнаб турган аграр-индустриал автоном республика. Саноат марказлари, янги шаҳарлар вужудга келди, замонавий заводлар ва фабрикалар, транспорт ва алоқа корхоналари қурилди. Тува асбестини мамлакатимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам билишади. Асбестчилар шаҳри Ак-Доурак-да кирқдан кўпроқ миллат вакиллари меҳнат қилмоқда. Бу эса совет халқлари моолит дўстлигининг ёркин тасдиғи, КПСС доно ленинча миллий сиёсатининг далилидир.

(Давоми 2-бетда).

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Наманган жамоатчилиги қишлоқ хўжалиги, партия ва совет органлари ходимларидан катта бир группасини СССР орден ва медалларини олганликлари билан табриклади. Улар беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йилида деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юксак муваффақиятларга эришганликлари учун шу мукофотларга сазовор бўлдилар.

Ҳукумат мукофотларини СССР Олий Совети Президиумининг топшириғига биноан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин топширди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — Поп районидаги «Ленинград» колхозининг бригадири Х. Охоновга ва Наманган районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг бригадири А. Жўраевга Ленин ордени ҳамда «Урок ва Болга» олтин медаллари топширилди.

(ЎзТАГ).

ДЎСТЛАР ШАРТНОМАСИ

Фарғона ва Душанба тўқимачилик комбинатларининг меҳнатчилари анъанавий меҳнат мусобақасини давом эттиришга қарор қилдилар. Ана шу корхоналарнинг коллективлари ўртасида социалистик мусобақа тўғрисида шартнома учинчи марта имзоланди. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги шарафига ўтказилаётган республика мусобақасининг ташаббускорлари бўлган фарғоналиклар беш йилликнинг тўртинчи йили программасини 29 декабрда бажариб, пландан ташқари 200 минг погон метр газлама ва 30 тонна налава тайёрлаш режаларини белгиладилар. Душанбаликлар ҳам йиллик топшириқни муддатидан икки кун олдин бажаришга, уч юз минг сўмлик маҳсулот реализация қилишга сўз бердилар.

Узбек ва тожик тўқувчиларининг меҳнат мусобақаси яхши самара келтирмоқда. Фарғоналиклар йил бошидан буён программадан ташқари 20 минг метр ип-газлама ва икки ярим тонна налава ишлаб чиқардилар. Душанбалик тўқимачилар ҳам пландан ташқари дастлабки бир неча минг метр сатин ишлаб чиқардилар.

В. ТАТАРИНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ С. А. ОМЕРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ МИНИСТРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Сервер Абдуллаевич **Омеров** Ўзбекистон ССР қурилиш министри қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПУЛАТОВА.

1974 йил, 25 январь.
Тошкент шаҳри.

Ўртоқ ФИДЕЛЬ КАСТРОнинг айтганлари

Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Куба Республикаси Революцион ҳукуматининг Бош министри ўртоқ Фидель Кастро Рус совет телевиденеси мухбири билан суҳбатлашди.

⊙

Мамлакатларимиз ва партияларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан ўртоқ Л. И. Брежневнинг визитини қандай баҳолайсиз, деган саволга жавоб қайтариб, Фидель Кастро бундай деди:

— Биз ўртоқ Брежневнинг визит билан Кубага келишини кўпдан бери орзу қилар эдик. Шу сабабли ўртоқ Брежневнинг бизнинг мамлакатимизга келишга фурсати бўлишини биз кўпдан бери мунтазир бўлиб кутар эдик. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Куба Коммунистик партияси ўртасидаги муносабатлар, ҳукуматларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатлар олий даражада кулай тарзда ривожланиб бормоқда. Шу жиҳатдан олганда, ўртоқ Брежневнинг визити бизнинг мамлакатимиз учун чинакам тарихий аҳамиятга эга. Бу — мамлакатимиз тарихида ҳеч қачон мисли бўлмаган жуда муҳим визитдир. Бу ҳақда гапирган мен учун айниқса ёқимлидир. Халқимиз ғоят мамнун. У зўр завқ-шавқ билан яшамоқда. Халқ визит ҳусусида жуда хурсанд. Одамлар ўртоқ Брежнев билан учрашишга, уни ва совет делегациясини табриклашга, уларга меҳр-муҳаббат, ҳурмат ва миннатдорчилик туйғуларини изҳор этишга муштоқдирлар. Менинг ўртоқ Брежнев билан ўтказган шахсий учрашувларим ҳамиша ҳам сиёсий ва ҳам соф инсоний нуқтаи назардан жуда мароқли. жуда фойдали бўлган. Менинг фикримча, ўртоқ Брежневнинг визити бизнинг алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга, муносабатларимизни янада ривожлантиришга кўмаклашади. Ўртоқ Брежнев мамлакатимиз билан, халқимиз билан, революциямизнинг ютуқлари билан, бизнинг ватанимиз билан таниша-ди ва Куба халқининг ҳис-туйғуларини кўриб, шахсан ишонч ҳосил қилади. Халқимиз Совет Иттифоқига зўр миннатдорчилик ва меҳр-муҳаббат билан яшаётганлигини ҳис этади, деган фикрнинг ўзи бизни ғоят мамнун этмоқда.

⊙

— Ўртоқ Фидель Кастро, Сиз ўртоқ Брежневга бу ерда, Кубада нималарни кўрсатишни истар эдингиз? — деган саволга Фидель Кастро бундай жавоб берди:

— Аввало биз ўртоқ Брежневга халқимизнинг ҳис-туйғуларини намойиш қилишни истаймиз. Ўз ихтиёримиздаги вақт имкон берган даражада революциямизнинг иқтисодий ва социал зафарларини ҳам кўрсатишни истар эдик. Биз тарихий жойларни зиёрат қиламиз. Ленин номи берилган муҳташам мактабни очамиз ва оммавий митинг ўтказамиз. Ўйлайманки, ўртоқ Брежнев бизнинг табиатимиз билан, бизнинг денгизимиз билан таниша олади. Биз имкони борича унинг вақтини сунистеъмол қилмай ҳамма нарсани кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Бундан ташқари биз муносабатларимизга доир кўпгина масалалар ҳусусида батафсил фикрлашиб олиш умидиламиз.

— Ўртоқ Фидель Кастро, Сиз Совет Иттифоқида бир неча марта бўлгансиз, Москвадан бошқа кўпгина шаҳарларга ҳам боргансиз. Эсингизда энг яхши сақланиб қолган нарсаларни айтиб бера олмайсизми? — деб сўради мухбир.

Фидель Кастро бу саволга қуйидагича жавоб берди:

— Дарҳақиқат, мен Совет Иттифоқида тўрт марта бўлдим. Мамлакатингизнинг турли жойларига ва районларига бордим. Мен Москвадан ташқари Ленинград, Киев, Волгограда, Узбекистонда, Красноярскда, Байкал кўлида бўлдим, Братск ГЭСи қурилаётган пайтда уни бориб кўрдим, Уралга, Қримга, Қора денгиз соҳилига ҳам бордим. Грузияда, Москва атрофларида, Москва областининг ўрмонларида ва бошқа жойларда бўлдим. Совет Иттифоқи нақадар катта ютуқларга эришганлиги ҳамма жойда кўриниб турар эди. Экономика, фан, техникани ривожлантиришда ва социал соҳада эришилган жуда катта муваффақиятлар мени қойил қолдиради. Бошқа мамлакатлар асрлар мобайнида қилади-ган ишлар Совет Иттифоқида қисқа муддат ичида, бир неча ўн йилда қилинди. Аммо мен Совет Иттифоқига ҳар сафар борган вақтимда моддий, иқтисодий соҳадаги ютуқлардан кўра ҳам, совет халқининг ўзи мени ғоят қойил қолдиради.

— Совет кишиларининг қайси фазилатлари Сизга айниқса характерли бўлиб кўринди? — деб сўради мухбир.

— Одамларнинг умумий маданияти, аввало сиёсий онглилиги, қардошларча инсоний туйғуси, меҳмондўстлиги, ўз Ватанига меҳр-муҳаббати ва юксак интернационализм туйғуси менга айниқса манзур бўлди, — деди Фидель Кастро. — Совет халқи фидокорона ишламоқда, Ленин ғояларига чексиз садоқат совет халқига хос фазилатдир. Совет Иттифоқида инсоннинг янги типи камол топди, дейиш мумкин. Социализмни қурган ва коммунизмни қураётган жамиятда шундай бўлиши ҳам керак. Бинобарин биз буни кўриб, сезиб ва идрок қилиб турибмиз. Биз Совет Иттифоқида қаҳрамонлик ҳам инсоннинг янги типини кўриб турибмиз. Биз совет халқи билан, совет мутахассислари, инженерлари ва техниклари билан учрашганимизда бунинг гувоҳи бўлдик. Уларнинг ҳаммаси ишга садоқатли, меҳнатга садоқатли кишилардир. Жуда қобилиятли бўлган бу кишилар ўз ишини аъло даражада билади. Шу боисдан ҳам биз келажакда совет халқи жуда катта ютуқлар ва муваффақиятларга, ҳозиргидан кўра ҳам каттароқ ютуқлар ва муваффақиятларга эришишига сира шубҳаланмаймиз.

Биз революциянинг 15 йиллигини нишонладик, ҳозирнинг ўзидаёқ биз революциянинг одамларимизга, айниқса ўсиб келаётган янги авлодга ўтказаётган самарали таъсирини кўришимиз мумкин. Дарҳақиқат, социалистик революция инсоннинг мутлақо янги типини, турмушга мутлақо бошқача муносабатда бўладиган софдил ва олийҳиммат муддаоларни қўзловчи инсонни воғага келтирди. Мен совет халқи билан учрашиш имкониятига ҳар сафар эга бўлганимда шу фазилатларни жуда равшан кўраман.

— Ўртоқ Кастро, «Гранма» кемасидан қаҳрамонона тушилгандан кейин орадан 17 йил ўтгач, бу кема сўнгги марта Гаванага, ўзининг абадий турадиган жойига бораётган 70 минут давомида сиз нималарни ўйладингиз, — деган саволга Фидель Кастро қуйидаги жавобни берди:

— Аввало мен ўша сафарда ўзим билан бирга бўлган ҳамма ўртоқларни ва албатта кураш йилларида ҳалок бўлган барча ўртоқларни эсладим. Биз халқимизга, Ватанимизнинг келажагига тўла ишонч билан шу йиллар мобайнида бартараф этган ҳамма оғирликларни ўйладим. Чунки биз ҳақиқатан ҳам беҳад катта қийинчиликларни бартараф қилишимиз лозим эди. Хозир буни тасаввур қилиш қийин бўлсада, аммо биз ана шу мўъжазгина кемада бир ярим минг миля масофани босиб ўтишимиз керак эди. Мен яна шуни ҳам мамнуният билан айтишим лозимки, биз қурбонларнинг биронтаси ҳам зое кетмаганлигини тушундик ва кўпларимизнинг омадимиз келиб, ўша йилларда ораду қилиб, зўр бериб жанг қилган умидлар ва идеаллар рўёга чиққанлигини кўрдик.

Пировардида ўртоқ Фидель Кастро бундай деди:

— Мен совет халқига энг қизғин ҳис-туйғуларимизни, дўстлик, меҳр-муҳаббат ва бирдамлик туйғуларимизни изҳор этмоқчиман. Кези келгандан фойдаланиб, Коммунистик партия раҳбарларига, Марказий Комитет, Сиёсий бюро ва Совет ҳукумати аъзоларига салом топширамман. Тез орада бизга зўр илтифот кўрсатилади, ўртоқ Брежнев юртимизга қадам ранжида қилади. Мен совет телевиденеси орқали ўртоқ Брежневга алоҳида шахсий салом топширмоқчиман. Тез орада ҳузуримизга келишидан мамнун эканлигимизни изҳор этмоқчиман. Куба халқи беиҳоя зўр шавқ-завқ билан яшаётганлигини, ўртоқ Брежнев мамлакатимизга бир неча кундан кейин келган вақтда уни бу ерда кўришдан ғоят бахтиёр эканлигимни айтмоқчиман. Шу кунларда ўртоқ Брежнев ўзини Кубада яхши ҳис этади, бизнинг орамизда бахтиёр бўлади, деб уни ишонтирмоқчиман.

Совет халқига мурожаат қилиш имкониятини берганлиги учун совет телевиденеесига ҳам миннатдорчилик билдираман. Катта раҳмат.

(ТАСС).

НАВҚИРОН ЛЕНИНГРАД

СССР СОВЕТЛАРИНИНГ

II СЪЕЗДИ ҚАРОР

ҚИЛАДИ:

«ПЕТРОГРАДДАГИ БАРЧА ФАБРИКА ВА ЗАВОДЛАР ИШЧИЛАРИНИНГ РЕЗОЛЮЦИЯЛАРИДА МАЪҚУЛЛАНГАН, ПЕТРОГРАД ИШЧИЛАР, ДЕҲҚОНЛАР ВА ҚИЗИЛ АРМИЯ ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТИНИНГ ПЕТРОГРАД ШАҲРИНИ ЛЕНИНГРАД ДЕБ НОМЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ИЛТИМОСИ ҚОНДИРИЛСИН...

БУНДАН БУЁН ПРОЛЕТАР РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ БУ ЙИРИК МАРКАЗИ МЕҲНАТКАШ ОММАНИНГ ЭНГ БУЮК ДОҲИИЛАРИДАН БИРИ ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ УЛЬЯНОВ-ЛЕНИН НОМИ БИЛАН ҲАР ВАҚТ БОҒЛИҚ БЎЛИБ ҚОЛАДИ».

РЕВОЛЮЦИЯ ШАҲРИГА ЛЕНИНГРАД НОМИ БЕРИЛГАНИГА 50 ЙИЛ ТЎЛДИ.

Гўзал Нева соҳилидаги шаҳарга яқинлашган сари қалбингизни ажиб бир фахрланиш туйғуси чулғаб олади. Уни зиёрат қилишга ошиқасиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки у тарихий воқеаларга бой шаҳар.

Буюк йўлбошчимиз Владимир Ильич Ленин раҳнамолигида бу ерда 1917 йилнинг октябридан бошлаб «Аврора» садоси ила янги ҳаётнинг сўнмас машъали порлай бошлади. Бу шаҳарда доҳий Ленин ёзган илк декретлар халққа бахт-саодат, эркин меҳнат, озодлик олиб келди. Петроград инқилоб бешиги сифатида тарих саҳифаларидан ўрин олди.

Ленинград инқилоб бешиги бўлиши билан бирга, Ватанимизнинг энг йирик шаҳарларидан бири. У ўз бошидан жуда кўплаб унутилмас воқеаларни кечирди. Ленинградликлар биринчи беш йилликлар даврида ажойиб меҳнат қилишди. Бугунги кунда қабул қилинаётган муқобил план муқаддимаси ҳам ана шу шаҳардан бошланган.

Улуғ Ватан уруши даврида эса Ленинград аҳолиси катта синовдан ўтди. Ленинград блокадаси деб ном олган тарихий воқеа ҳамманинг эсида. Ушанда бутун мамлакат Ленинград мудофаасига отланди. Шаҳар боскинчилардан озод этилди.

Урушдан сўнгги йиллар Ленинград қиёфасини ниҳоятда ўзгартириб юборди. Замонавий турар-жойлар комплекслари, кўплаб саноат иншоотлари қад кўтарди.

Бугунги Ленинград Ватанимизнинг фахри. У Ленин ордени ва Октябрь революцияси ордени билан мукофотланган. Инқилоб бешигига «Қаҳрамон шаҳар» деган юксак унвон берилган.

Эртага буюк революция шаҳрига Ленинград номи берилганлигига 50 йил тўлади. Шу куни халқимиз ленинградликлар қатори ўша вақтда, 1924 йилнинг 24 январидаги муқаддас сўзларни яна бир бор эслайдилар: «Ленинградлик бўлиш қоядек мустаҳкам иродали, ҳар вақт олдинда бўлиш демакдир. Биз ҳамма вақт Владимир Ильичнинг хотирасини абадий хотирамизда сақлаймиз».

Ҳа, шундай! Ленинградликлар совет халқи билан бирга ўз сўзларига қатъий амал қилган ҳолда ишламоқдалар. Ленинград қиёфасида биз Коммунистик партия ва Совет ҳукумати амалга ошираётган буюк ишлар намунасини кўриб турибмиз.

Суратларда: Ленинграднинг Москва проспектида Ленин хотирасига ўрнатилган ҳайкал ва Улуғ Октябрь революцияси ғалабасини биринчи бўлиб жаҳонга маълум қилган Смольний бинои.

(ТАСС фотохроникаси).



БУЮК ҚАРДОШЛИК ШАРОФАТИ

(Бошы 1- бетда).

Совет ҳокимияти йилларида барча совет халқларининг қардошларча ёрдами билан республикада кон-руда, энергетика, қурилиш саноати, гўшт, сут саноати, енгил саноат ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари корхоналари вужудга келтирилди. Саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши Совет Туваси индустриал ривожланганлигининг ёрқин кўрсаткичидир. 1945-1972 йилларда саноат маҳсулотининг ҳажми қарийб 45 баравар ошди.

Қишлоқ хўжалиги ҳам тубдан ўзгарди. У илғор қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминланди. Колхоз ва совхозларда мутахассисларнинг тажрибали кадрлари ишлаб турибди. Бу эса қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг миқёсини йил сайин кенгайтириш ва унинг маданиятини ошириш имконини бермоқда.

Шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият кенг ривож топди. Ҳозирги вақтда республикада маориф, маданият ва фан гуркираб ривожланмоқда. Ҳолбуки яқиндагина Тува ҳатто ўз ёзувига эга эмас эди.

Совет Туваси эришган муваффақиятлар, деб таъкидлади М. А. Лесечко, республика меҳнаткашлари область партия ташкилоти раҳбарлигида қилган фидокорона меҳнати натижаси, коммунистлар ва партиясизлар, ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг меҳнат ва сиёсий активлиги натижасидир. Бу, ниҳоят, Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг, аввало, рус халқининг республикамиз меҳнаткашларига кўрсатган ҳар томонлама ва бегараз ёрдами натижасидир.

Республикага Халқлар дўстлиги ордени топширилганлиги — босиб ўтилган йўлга якун ясалганлиги шонли кун бўлибгина қолмай, бу меҳнаткашларнинг барча куч-ғайратларини КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун сафарбар этиш омили ҳамдир.

Совет халқи олдида турган принципиал масалалар ва вазифалар КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1973 йил декабрь Пленумида сўзлаган нутқида ва КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатида атрофлича ва тўла ёритиб берилди. Пленум ўртоқ Л. И. Брежнев нутқида баён қилинган хулосаларни яқдиллик билан кўллаб-қувватлади ва маъқуллади. Совет кишилари Марказий Комитет Мурожаатидаги оташин сўзларни баланд руҳ билан маъқуллаб кутиб олдилар. Бу сўзларда совет халқи тўғрисида, жонажон социалистик давлатимизни мустаҳкамлаш ҳақидаги чуқур ғамхўрлик ўз ифодасини топган.

М. А. Лесечко Тува АССРни Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини ўқиб берди ва гулдурос қарсаклар остида юксак мукофотни республика байроғига қадаб қўйди.

КПСС Тува область комитетининг биринчи секретари Г. Ч. Ширшин жавоб нутқи сўзлади. У юксак мукофот учун автоном республика коммунистлари ва барча меҳнаткашлари номидан КПСС Марказий Комитети номига, СССР Олий Совети Президиумига ва СССР Министрлар Советига самимий миннатдорчилик изҳор этди.

Совет Туваси тарихи, деди нотиқ, унинг эришган ютуқлари КПСС ленинча миллий сиёсати ҳаётбахш қучининг ёрқин намунаси, улуғ рус халқининг ва мамлакатдаги бошқа халқларнинг бегараз қардошлик ёрдами натижасидир. Қўш орденли Тува меҳнаткашлари Ватан мукофотига жавобан ўз сафларини жонажон Коммунистик партия теварагида янада маҳкамроқ жипслаштирадилар ва КПСС Марказий Комитетини, Марказий Комитет Сиёсий бюросини, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтириб айтадиларки, мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг улкан планларини амалга ошириш учун бутун куч, билим ва ғайратларини сарфлайдилар.

«Алдан-маадир» совхозининг чўпони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Д. — Н. Ч. Ооржак, «Тувакобальт» комбинати ишлаб чиқариш техника бўлимининг бошлиғи, техника фанлари кандидати Д. Б. Бузур-оол, Қизил педагогика институтининг студенти Б. Ойдуп-оол, Қизил биринчи автотранспорт корхонасининг ҳайдовчиси, РСФСР Олий Совети депутати Р. Н. Мякишев мажлисда нутқ сўзлаб, Тува меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатини баланд руҳ билан кутиб олганликларини таъкидлаб ўтдилар ва Тува АССР меҳнаткашлари беш йилликнинг тўртинчи йили ва умуман бутун беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун бутун халқ олиб бораётган курашга муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдирдилар. Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва СССР Министрлар Советига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

ЭСТОН ТИЛИДА

ТАЛЛИН, 24 январь. (ТАСС). «Ээсти раамат» нашриёти КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг «КПСС ва Совет давлатининг ташқи сиёсати тўғрисида»ги нутқ ва мақолаларидан иборат тўпламни эстон тилида нашр этди.

«КОСМОС-629» ПАРВОЗДА

1974 йил 24 январда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-629» учирилди. Йўлдошга космик фазони тадқиқ этишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Бу аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координация — ҳисоблаш маркази олинган маълумотларни ишлаб чиқмоқда. (ТАСС).

ДЕМОГРАФЛАРНИНГ ҲИСОБ-КИТОБЛАРИ

Аҳолимиз қанча бўлди? Бу саволга республика статистика бошқармаси ходимлари ҳозир; ўн уч миллиондан ошиқ, деб жавоб берадилар. Бу рақамни Ўзбекистон ССР эндигина барпо этилган пайтдаги рақамлар билан таққослайдилар. 1926 йилда ўтказилган Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати маълумотларига қараганда, республика аҳолиси ўша вақтда 4 миллион 660 минг киши бўлган экан.

«Ўзбекистон» нашриёти чиқарган «Ўзбекистон аҳолиси» китобини ўқиган киши Ўзбекистон ҳаётида кейинги бир неча ўн йил ичида содир бўлган ҳамма демографик ўзгаришларнинг батафсил анализи билан танишиши мумкин. Унинг жадвалларидаги минглаб рақамлар Совет ҳокимияти йилларида республика эришган жуда катта социал-иқтисодий тараққиётни акс эттиради.

Китобда шундай бир қизиқ тафсилот бор: Ўзбекистон аҳолиси табиий кўпайиш жиҳатидан дунёдаги ҳамма капиталистик мамлакатлардан анча ўзиб кетган. Масалан, 1969 йилда ҳар минг киши ҳисобига АҚШ аҳолиси 8,2 ва Англия аҳолиси 4,7 киши кўпайган бўлса, республикамиз аҳолиси 26,9 киши кўпайди.

Бошқа жадваллардаги рақамлардан қуйидагиларни билиб олиш мумкин: кейинги ўн икки йил ичида миллий даромад Ўзбекистонда 210 процент кўпайди, республиканинг ҳар ўн минг аҳолисига 21 врач ва 68 ўрта маланали медицина ходими тўғри келади.

Республика шаҳар аҳолиси 1926 йилга нисбатан 4,4 баравардан зиёд кўпайган. Бу рақам саноат ишлаб чиқариши кўламлари ғоят ўсганлигини кўрсатади.

Китоб аҳолининг сифат составини таърифлаб яна шуни ҳам маълум қиладики, ҳозирги вақтда Ўзбекистон халқ хўжалигида олий ва ўрта махсус маълумотли сал кам 550 минг мутахассис меҳнат қилмоқда. Бу — бутун чор Россиясида 1913 йилда мавжуд бўлган шундай мутахассислардан 2,2 баравар кўпдир.

Китобнинг якунловчи бўлимида Ўзбекистон аҳолиси 2.000 йилгача қанча кўпайиши тўғрисидаги тахминларни ўқиш мумкин. Демографларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, икки мингинчи йилнинг охирларида республикада 30 миллиондан кўпроқ киши яшайди.

(ЎзТАГ).

Республика коммунистларининг очиқ партия йиғилиши

КОММУНИСТ МАСЪУЛИЯТИ

Мен КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорлари ва КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати билан чуқур танишиб чиқдим.

Унда шундай сатрлар бор: «КПСС Марказий Комитети партия ташкилотларига, барча коммунистларга мурожаат қилиб, уларни совет кишиларининг беш йиллик тўртинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш йўлидаги қудратли ҳаракатига бошчилик қилишга, тўпланган тажрибадан тўла фойдаланишга, ўз фаолиятини такомиллаштиришга, доим олдинги сафларда бориб оғирроқ жойларда ишлашга, ўз билими ва қобилиятларини халққа, халқ манфаатлари ва бахти учун курашга бағишлашга даъват этади!» Ҳар бир коммунистнинг юрагига чўғ солиб, уни янгидан-янги меҳнат ғалабаларига илҳомлантирувчи, кишига янги куч, янги ғайрат бахш этувчи сатрлар бу. Мен уларни қайта-қайта ўқир экан-ман, корхонамиз коммунистларининг ижтимоий ишлаб чиқаришда, коллектив ҳаётида тутган ўрни ҳақида, уларнинг бурч ва масъулияти ҳақида яна бир бор мушоҳада қилдим.

Заводимиз партия ташкилоти катта жанговар куч. У ўз сафига коллектив ўртасида авангардлик қилаётган, тарбиячилик роли моҳирлик билан ўтаётган 240 коммунистни бирлаштирган. Бу коммунистлар ўзларининг бутун куч ва ғайратларини умумий ишга бошқалардан кўра кўпроқ сарфламоқдалар, шу ишнинг муваффақияти учун бошқалардан кўра яхшироқ меҳнат қилмоқдалар.

Сўз ва иш бирлиги, эътиқод кучи, меҳнатга тўғри муносабатда бўлиш, камчиликларга нисбатан муросасизлик, бутун куч ва истеъдодини партия белгилаб берган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун курашга сарфлаш уларнинг юксак фазилатлари бўлиб қолди. Бу ўринда мен бригадамиз билан мусобақалашиб ишлаётган 2-механика цехининг комплекс бригадаси бошлиғи Игорь Крахмалев ҳақида тўхталмоқчиман. И. Крахмалев билан бир йилда партия сафига қабул қилинганмиз. У ажойиб ўртоқ. Ўз дўстларига ҳар доим меҳрибон ва ғамхўр. Бригада аъзолари ундан камтарликни, меҳнатсеварликни, ўртоқларга нисбатан самимийлик ва меҳрибонликни ўрганишди. Ҳозир у бошчилик қилаётган бригада аъзоларининг ҳаммаси ҳам КПСС аъзоларидир. Бу бригада ҳам бизнинг бригадамиз каби беш йиллик маррасини эгаллаш арафасида турибди. КПСС Марказий Комитети Мурожаатига бағишлаб ўтказилган завод коллективи митингида Игорь Крахмалев бошлиқ бригада корхонада биринчи бўлиб ўз зиммасига оширилган мукобил план қабул қилди. Сўзи билан иши бир бўлган, юксак ғоявий ва ахлоқий фазилатларни ўзида тўла мужассамлаштирган, бундай коммунистлар корхонамизда кўп.

Заводнинг иши ҳозир фақат план-топшириқларни бажариш билангина эмас, балки кам чиқим қилиб, кўпроқ ва яхши сифатли маҳсулот тайёрлаш билан ҳам ўлчанади. Шундай экан, меҳнат унумдорлигининг ўсиши, қўл меҳнатига барҳам бериш, ишни пухта ташкил қилиш, ишчиларга унумли меҳнат қилиш учун ҳар томонлама қулай шароит яратиб бериш партия ташкилоти ва маъмуриятнинг тезда ҳал қиладиган муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Ота-боболаримиз ҳамма ишни аввалдан пухта қилиш керак, дейишади. Назаримда корхонамизда худди ана шу гапга кам амал қилинмоқда. Қайси цех бошлиғини кўрсанг, қайси цех ишчиси билан гаплашсанг, ҳамма қуюв цехидан нолиб гапиради. Қуюв цехи бошқа заводлардаги каби корхонанинг юраги ҳисобланади. Хомаки қуймалар шу ерда тайёрланиб бошқа цехларга жўнатилади. Бу цехнинг равон ишлаши бошқа цехларнинг бир маромда ишлашини таъминлайди. Агар қуюв цехи планларни вақтида уддаламаса, буюртмалар муддатида тайёрланиб топширилмаса, бошқа цехлар ҳам, оқибат натижада завод ҳам оқсаб қолади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ДЕКАБРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ ЖАНГОВАР ҲАРАКАТ ПРОГРАММАМИЗ

Экскаватор заводида ишлаётганимга чорак аср бўлди. Ана шу йиллар давомида қуюв цехида меҳнатни енгиллаштирадиган бирорта замонавий машина ўрнатилганини эслай олмайман. Ишлаётган механизмлар ҳам ўз хизмат муддатини аллақачон ўтаб бўлган. Уларнинг кўпи ишга деярли яроқсиз бўлиб қолган. Цехдаги бу аҳвол бир неча марта завод партия комитети мажлисида ҳам, коммунистларнинг умумий йиғилишида ҳам атрофлича муҳокама этилди, қарорлар қабул қилинди. Қарорларни бажарувчи масъул кишилар ҳам тайинланди. Аммо аҳвол ўзгармай қолмоқда.

Кўпдан бери юрагимга тўғиб келаётган бир мулоҳазамни ўртага ташламоқчиман. Хўш, пойтахтимиздаги барча машинасозлик заводларида ҳам қуюв цехлари бор экан, кўп корхоналарда бу цехлар бир маромда ишламаётган экан, бу масалани узил-кесил ҳал этишнинг вақти келмадимикан? Менингча пойтахтимизда барча заводларга керакли бўлган қуйилмаларни тайёрлаб берадиган ягона марказлашган қуюв заводи қурилса фойдадан ҳоли бўлмас эди. Тошкент шаҳар партия комитети ва тегишли министрликлар ана шу борада ташаббус кўрсатадиган пайт келди, деб ҳисоблайман.

Заводимиз бир меъёрда ишламаяпти. Натижада ойнинг охирги ҳафталарига бориб шошиб қоляпмиз. Планни бажариш учун асосий иш вақтидан ташқари вақтларда ҳам ишлашга зўр бериляпти. Бошқача айтганда штурмчилик қилияпти. Хўш, планни бу усулда бажаришнинг кимга фойдаси бор? Аминманки, бундан на давлат ва на ишчилар манфаатдор. Аксинча корхонага зарар, маҳсулот таннархи ошиб кетяпти. Сифат бузилмоқда. Бошқа ташкилотлардан келаётган рекламациялар сони ҳам кўпайиб боряпти. Ишчилар ҳам яхши дам ололмаётирлар. Партия йиғилишларида бундай аҳвол бир неча марта муҳокама этилиб, танқид қилинган, штурмчилик ва ҳайбаракаллачилик фақат биргина бизнинг корхонамизгагина эмас, шу корхона маҳсулотини ишлаётган бошқа ташкилотлар ишига ҳам жиддий зарар етказаётгани айтилган эди. Партия комитети шу қарорларнинг ижроси ҳақида етарли даражада ғамхўрлик қилмаяпти.

Мен бундай штурмчиликнинг сабаби ишни обдон қиёмига етказиб, планлаштира билмасликда, деб биламан. Партия комитетига шу хусусда ўзимнинг конкрет таклифларимни киритган ҳам эдим. Ишлаб чиқариши планлаштириш ва қатъий қилиб белгиламоқ керак. Ҳар бир цехда шу масала билан шуғулланадиган алоҳида кишини тайинлаш зарур. У зарур хом ашё ва эҳтиёт қисмларни аниқлаши, уни вақтида етказиб келиш билан шуғулланиши керак. Гарчи, бир қарашда бу ортиқча штат бўлиб туюлса ҳам цехдаги ишни анча осонлаштиради.

Афсуски, орамизда ҳали ҳам ўзини чипакам сиёсий жангчи сифатида кўрсатмаётган партия аъзолари ҳам бор. Улар камчиликларга ва салбий воқеаларга дуч келганларида ўзларини ҳеч нарсани кўрмаганга оладилар. Бунинг менга нима даҳли бор, бу ҳақда бошқалар ўйлайверсин, дейдилар. Цехларда баъзи қисмларни кератидан ортиқча ишлаб чиқариб, бошқаларнинг эса кам тайёрланишига ва оқибат натижада ишлаб чиқаришда мувозанатнинг, йўқолишига айрим коммунистларнинг ана шундай бепарволиги сабаб бўлмоқда. Яна бир мисол айтмоқчиман: бизда қумдан деталларни қуйиш учун қолип ясалади. Ҳар бир турдаги деталь учун алоҳида сортли қум керак. Заводимиз ёнидан темир йўл ўтган. Аммо шу йўл ёқасида қум сақланадиган айвонлар йўқ. Келтирилган қумнинг ҳар хил сортлари бирбирига қоришиб ётибди. Шундай қоришмадан ясалган қолипдан қуйилган деталнинг сифати паст бўлиши табиий. Натижада шу биргина деталь ўрнатилган бутун бир экскаватор кўп ўтмай ишдан чиқиши мумкин-ку. Шу ўринда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон ССРга Халқлар дўстлиги ордени топширишга бағишлаб ўтказилган тантанали мажлисда айтган қуйидаги «...Кетмон билан ишлаётган кишининг ярим соат бекор туриб қолиши бошқаю, қудратли экскаватор, комбайн, минора кран билан қуролланган кишининг ярим соат бекор туриб қолиши бутунлай бошқа», сўзларини эслаш ўринлидир.

Социалистик мусобақани тўғри ташкил этиш — муҳим иш. У фақат меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширибгина қолмайди. Социалистик мусобақанинг янги, коммунизм кишисини тарбиялашдаги роли катта. Янги кишини тарбиялаш эса ўз навбатида у ёки бу ишчининг, у ёки бу коммунистнинг ўз бурчига қандай муносабатда бўлаётганлиги билан узвий боғлангандир. Бригадамизда беш киши ишлайди. Бир сменада икки норма бажаряпмиз. Заводда биринчи бўлиб бригадамиз коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номни олган эди. Ҳамкасбларимнинг ҳаммаси ҳам бир-биридан қолишмай ишламоқда. Кези келганда шуни ҳам айтмоқчиманки, цехимизда, қолаверса, заводимизда ҳали ҳам коммунистик меҳнат зарбдори деган номга сазовор бўлмаган, ёки шу ном учун курашмаётган коммунистлар ҳам бор. Хўш, коммунист зарбдор бўлиш учун курашмаётган экан, унинг авангардлик роли, ташаббускорлиги, жанговарлиги қаерда қолди?

Бу йил заводимиз коллективи мукобил план асосида хом ашё ва материалларни тежаб-тергаб сарфлаш, резерв ва имкониятларни қидириб топиб ишга солиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳисобига белгиланганидан 10 та кўп экскаватор ишлаб чиқаради. Бу бизнинг тўққизинчи беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун олиб бораётган умумхалқ ишига қўшадиган муносиб ҳиссамиз бўлади.

Хуллас, ишчилар, корхона коллективлари олдида турган тезда ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар кўп. Уларни ҳал қилиш эса аввало, биз коммунистларга, коллективнинг жанговар отряди бўлган партия ташкилотига боғлиқдир. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев айтганидек: «Коммунист деган ном зиммамизга кўп ишларни юклайди, коммунистларда битта имтиёздан бошқа ҳеч қандай имтиёз йўқ. Бу имтиёз шуки, улар ўзларининг куч ва ғайратларини умумий ишга бошқалардан кўра кўпроқ сарфлашлари, шу ишнинг тантанаси учун бошқалардан кўра яхшироқ курашишлари ва меҳнат қилишлари керак. Коммунистларнинг битта ҳуқуқдан бошқа ҳеч қандай алоҳида ҳуқуқлари йўқ. Бу ҳуқуқ шуки, улар ҳамиша олдинги сафда бўлишлари, ҳамиша энг қийин жойда бўлишлари керак».

Биз ана шу талаблар асосида барча коммунистларнинг активлигини янада оширишимиз, уларга нисбатан талабчанликни кучайтиришимиз лозим. Агар ҳамма активлик кўрсатиб, бутун куч ва ғайратини сарфлаб ишласа қўйилган вазифалар ҳам муваффақиятли бажарилади.

Раҳим ИЎЛДОШЕВ,
Тошкент экскаватор заводи 1-механика цехининг комплекс бригадаси бошлиғи.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»

Журналнинг январь сони Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарори билан очилади.

«Ленинизм — бизнинг байроғимиз ва қуролимиз» рубрикаси остида «Ленинча, ягона тўғри йўлдан» сарлавҳали редакцион мақола, тарих фанлари кандидати Д. Пакнинг «В. И. Ленин халқ хўжалигига раҳбарлик қилишнинг илмий асослари тўғрисида» тарих фанлари доктори М. Новиковнинг «Партияга ленинча чақириқ» сарлавҳали мақолалари босилган.

«Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги олдидан» рубрикаси остида Ўзбекистон КП Андижон область комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Раҳимовнинг «Тарихий сақраш» сарлавҳали мақоласи ёритилган.

«Тўққизинчи беш йилликнинг социал-иқтисодий проблемалари» рубрикаси остида «Средазгипроводхлопок» институтининг директори Д. Терситский «Жиззах чўлини ўзлаштириш — муҳим халқ хўжалик вазифаси» сарлавҳали мақоласи билан қатнашган.

«Идеология, маданият» бўлимида Л. Речмединнинг «Партия фаолиятининг муҳим ва масъулиятли соҳаси» сарлавҳали мақоласи берилган.

Булардан ташқари, «Идеология қураши фронтларида», «Муҳим саналар ва воқеалар», «Партия ўқуви системаси пропагандистлари ва тингловчиларига ёрдам», «Танқид ва библиография» бўлимларида ҳам кўпгина қизиқарли материалларни ўқиш мумкин.

«ПАРТИЯ ТУРМУШИ»

Журналнинг январь сони КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми материаллари билан очилади.

Ўзбекистон ССР, Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги тўғрисида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг қарори эълон қилинган.

«Правда» газетасидан олинган «Бутун партиянинг, бутун халқнинг иши» сарлавҳали мақола, тарих фанлари кандидати С. Курбоновнинг «Эллик йил Ленинсиз ленинча йўлдан», Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, доцент Е. Блокнинг «Совет — Ҳиндистон дўстлиги мустаҳкамланмоқда» сарлавҳали мақолалари ҳам журнал саҳифаларидан ўрин олган.

«Олтин юбилей олдидан» рубрикаси остида Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг биринчи секретари М. Мусахоновнинг «Ўмманинг пешқадамлари», иқтисод фанлари кандидати Ф. Муқимовнинг «Улкан одимлар», Ўзбекистон КП Олмалиқ шаҳар комитетининг биринчи секретари В. Муҳамедовнинг «Кончилар шаҳрининг камоли», «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози директори Ж. Хоназаровнинг «Янги марралар сари», Ўзбекистон металлургия заводи прокат цехининг мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Нуриддиновнинг «Пўлатдан ҳам мустаҳкам» сарлавҳали мақолалари берилган.

«Хўжаликка раҳбарлик» бўлимида Ўзбекистон КП Фарғона область комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ф. Шамсуддиновнинг «Якун чиқариб, истиқбол режаларини белгилаяпмиз» сарлавҳали мақоласи ёритилган.

Булардан ташқари, «Ташкилий-партиявий иш», «Партия конференцияларида», «Идеология иши ва ҳаёт» бўлимларида ҳам кўпгина қизиқарли материалларни ўқиш мумкин.

МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ ИСМОИЛ ФАҲМИЙНИНГ СССРГА ҚИЛГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

Миср Араб Республикаси ташқи ишлар министри Исмоил Фаҳмий Совет ҳукуматининг таклифига биноан 1974 йил 21 январдан 24 январгача расмий дўстлик визити билан Совет Иттифоқида бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико И. Фаҳмийни қабул қилдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Миср Араб Республикаси ташқи ишлар министри И. Фаҳмий учрашиб, суҳбатлашдилар. Бу суҳбатларда қуйидагилар қатнашди:

— Совет томонидан — СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзолари М. Д. Ситенко ва Г. М. Корниенко;

— Миср томонидан — Миср Араб Республикасининг СССРдаги элчиси Яҳё Абдил Қодир, МАР ташқи ишлар министрининг ўринбосарлари Муҳаммад Рпод ва Муҳаммад Шукрий, МАР Ташқи ишлар министрлиги Шарқий Европа мамлакатлари департаментининг мудири Камолиддин Закий, МАР ташқи ишлар министри маҳкамасининг бошлиғи Умар Сирри.

Дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган суҳбатлар давомида Совет — Миср муносабатларини янада ривожлантириш масалалари, шунингдек ҳар икки томонни қизиқтираётган халқаро проблемалар қараб чиқилди.

Ҳар икки томон якдиллик билан шундай хулосага келди: Совет—Миср ҳамкорлигининг ўтган даврдаги тараққиёти бу ҳамкорлик ҳар икки мамлакат халқлари учун, араб давлатлари ва Совет Иттифоқи учун катта аҳамиятга молик бўлибгина қолмай, бутун дунёда тинчликни сақлаш манфаатларига ҳам жавоб бераётганлигини ёрқин намойиш қилди. Бу ҳамкорлик муваққат конъюнктура манфаатларига эмас, балки ҳар икки томон ўзаро муносабатларини ривожлантиришда амал қилиб келаётган узоқ муддатли принципиал асосларга таянади. Совет Иттифоқи ва Миср ўтказиб келаётган бу йўл бирон мамлакатга зарар етказмай, балки аксинча ана шу ҳамкорликнинг амалга оширилиши бундан буён ҳам халқаро кескинликни янада юмшатишга, ялпи тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам бера олади.

Ўтган йил октябрда Яқин Шарқда бўлиб ўтган воқеалар Совет—Миср дўстлигининг кучи ва мустаҳкамлигини, Яқин Шарқда империалистик агрессияга қарши, тинчлик учун, араб халқларининг хавфсизлиги ва социал тараққиёти учун курашда бу дўстлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини яна бир марта тасдиқлаганлиги таъкидланди. Томонлар Совет Иттифоқи билан Миср Араб Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида 1971 йил 27 майда тузилган шартноманинг узоқ муддатга мўлжалланган мустаҳкам негизида ўзаро муносабатларни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга интилаётганликларини уқтириб ўтдилар.

Совет томони Совет—Миср дўстлигини мустаҳкамлаш масалаларида ва Исроил агрессияси оқибатларини тугатиш учун курашда ўз сиёсати изчил ва ўзгармас сиёсат эканлигини таъкидлади.

Суҳбатлар давомида ҳозирги пайтда Яқин Шарқда вужудга келган аҳвол масалаларига, бу районда можарони одилона бартараф қилиш ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун курашга алоҳида эътибор берилди.

Томонлар Женевада сулҳ конференциясининг чақирилиши Яқин Шарқдаги аҳволни нормаллаштириш йўлидаги катта қадам эканлигини мамнуният билан қайд қилдилар. Совет Иттифоқи билан Миср Араб Республикаси конференциянинг муваффақиятли тугалланиши ва бу районда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг маълум қарорлари асосида мустаҳкам тинчлик ўрнатиш тўғрисида бир битимга келиниши учун қўлларидан келган ҳамма чораларни кўришга қатъий қарор берганликларини таъкидладилар.

Томонлар Миср қўшинлари билан Исроил қўшинларини ўзаро чекинтириш тўғрисидаги битим имзоланиши муносабати билан рўй берган аҳволни қараб чиқдилар. Улар қўшинларни ўзаро чекинтириш тўғрисидаги битим ижобий аҳамиятга молик эканлигини қайд қилдилар. Қўшинлар ўзаро чекинганларидан кейин Хавфсизлик Кенгашининг юқорида айтиб ўтилган қарорларини, шу жумладан 1967 йил 22 ноябрда қабул қилинган 242-резолюцияни ва 1973 йил 22 октябрда қабул қилинган 338-резолюцияни тўла амалга ошириш негизида Яқин Шарқдаги можаро узил-кесил бартараф қилинишини эътиборга олиб, министрлар Женевадаги сулҳ конференцияси олдида турган туб масалаларни тез ва самарали ҳал этиш муҳим эканлигини уқтириб ўтдилар.

Совет Иттифоқи билан Миср Араб Республикаси яна таъкидлаб ўтганидек, Исроил қўшинларини 1967 йилда босиб олинган барча араб территорияларидан олиб чиқиб кетмай туриб, Фаластин араб халқининг қонуний ҳуқуқларини ҳурмат қилмай туриб Яқин Шарқда мустаҳкам ва ҳаққоний тинчлик ўрнатиш мумкин эмаслиги, Фаластин проблемаси Фаластиндаги араб халқлари вакилларининг иштирокисиз қараб чиқилиши ва ҳал этилиши мумкин эмаслиги қайд қилинди. Томонлар Яқин Шарққа бағишланган Женева сулҳ конференцияси ишида бу вакилларнинг яқин орада тўла ҳуқуқ билан иштирок қилишлари лозим эканлигини айтдилар.

Бу курашнинг ҳамма босқичларида, шу жумладан Яқин Шарққа бағишланган сулҳ конференциясининг ишида, бу конференцияда тузилиши мумкин бўлган барча ишчи органларида Совет Иттифоқи билан Миснинг кўрадиган тадбирларини мустаҳкам равишда мувофиқлаштириб олиб бориш — Яқин Шарқ можаросини ҳаққоний бартараф қилиш йўлидаги курашнинг муҳим омили эканлиги таъкидланди.

Халқаро аҳволга доир масалалар юзасидан фикрлашиб олиш вақтида министрлар тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун, шу жумладан ёппасига ва батамом қуролсизланиш, янги ва эски мустамлакачиликни тугатиш, ядро қуроли ишлатишни абадий тақиқлаш учун курашнинг актуал проблемалари борасида нуқтаи назарларнинг бир хил эканлигини қайд қилдилар.

Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага мувофиқ Совет Иттифоқи билан Миср ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ва халқаро аҳвол масалалари юзасидан турли босқичларда мунтазам алоқа ўрнатиш, фикрлашиб олиш ва Совет Иттифоқи билан Миср вакиллари кўрадиган тадбирларни мувофиқлаштириш муҳим ва фойдали эканлиги таъкидланди.

Томонлар Миср Араб Республикаси ташқи ишлар министрининг Совет Иттифоқига визити Совет Иттифоқи билан Миср Араб Республикаси ўртасидаги ҳамжиҳатлик, ишончи янада мустаҳкамлашга ва дўстона муносабатларни ривожлантиришга ёрдам берди, деган фикрни якдиллик билан изҳор қилдилар.

Миср Араб Республикасининг ташқи ишлар министри И. Фаҳмий СССР ташқи ишлар министри А. А. Громикони расмий визит билан Мисрга келишини таклиф қилди.

Бу таклиф мамнуният билан қабул қилинди. Визит вақти қўшимча равишда белгиланади.

Янги шеърлар

БИР ҚЎШИҚ

Менга қондош бўлган,
Замондош бўлган,
Менга жондош бўлган, одамлар!
Қора кўз, қора қош,
Хоҳ қари, хоҳ ёш,
Оламга бош бўлган, одамлар!
Бир қўшиқ куйланса кўнгилдан,
Эҳтимол, бир нафас тингларсиз.
Мен сизга сўзлайин кўнгилчан,
Сўзлайин қоғозсиз, минбарсиз.
Мен Ватан ўғлиман. Бу Ватан—
Бу Ватан —оламда ягона.
У қўшиқ қалбимда уйғонган
У—бешик,
У—алла,
У—она!
Бешикдан бўлурмиз миннатдор,
Алладан миннатдор бир умр,
Онага бир эмас, миниг-минг бор:
Ташаккур... ташаккур...
ташаккур
Ватанда ҳаммаси жаъмул-жам!
Мен уни куйлашни истадим.
Ватанга шайдоси бўлмасам,
Шоирлик бўлмасди қисматим.
Фақат мен шоирми оламда?!
Сиз шоир, одамлар, бегумон.
Кўраман, ҳар қандай одамда—
Ҳаёт йўқ, бетўлқин, беуммон.
Тўлқинни —
Умонни —
Шеърни биз —
Берайлик Ватанга, миннатдор.
Кўкларда янграсин шеъримиз,
Умримиз сингари шиддаткор!

Омон МУХТОРОВ.

ОСКОЛКА

БАЛЛАДА

Кўпдан буён чўлн осколка,
Етар эди занглаб тупроқда.
Ўйнаб юриб бола бир куни,
Топиб олди уни қирғоқдан.
Мана,
Бугун рогаткада у,
Яна учди,
Яна тўқди қон.
Қайта бошдан келтирди қайғу,
Ер тишлади
Яна битта жон —
Фиғон билан йиғлар она қуш.
Яна мотам,
Яна нўзда ёш...
Бола билмас ўз онасининг
Дилини қон қилган ҳам шу
«тош»...

Намоз САЪДУЛЛАЕВ.

ЯЙЛОВДА

Яйлов кўрки ёшлигимга
ўхшайди,
Латофати юрагимни хушлайди.
Иссиқ, совуқ тўхтатолмас
ишимиз,
Қайноқ меҳнат гулханидир
қишимиз.
Сураяпмиз ҳалол меҳнат
гаштини,
Фермаларда сут дарёси
тошқини.
Баҳор тафти она-еркинг
тафтида,
Музлар эрир деҳқон аҳлин
шаштидан.
Қут-барака хазинаси еримиз,
Олтин хирмон бунёдкори
элимиз.
Янги, шинам уйларимиз бор,
қаранг,
Қўшиқларда, яллаларда шўх
жаранг.

Рўзимат ДАМИНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЬ МАОРИФ БЎЛИМИ:

Жарқўрғон районидаги «Правда» мактабининг ўқитувчиси Б. Сулфиев редакцияга ёзган хат юзасидан текшириш ўтказилди. Унда келтирилган фактлар тасдиқланди. Мактабда ва унинг қошидаги кечки ишчи-ёшлар мактабида ўқув-тарбия ишлари бўшашиб кетганлиги рост. Мактаб директори Сувонов ана шу камчиликларни очишга ҳаракат қилганлиги учун ўқитувчи Сулфиевга нисбатан нотўғри муносабатда бўлган ва у билан жанжаллашган.

Текшириш натижаси Жарқўрғон район партия комитетининг бюросида муҳокама қилинди. Камчиликларга йўл қўйгани, ўқитувчи Сулфиевга нисбатан нотўғри муносабатда бўлгани ва ножўя қатти-ҳаракат қилгани учун райком бюросининг қарори билан Сувонов вазифасидан бўшатилди. Мактабда ўқув-тарбия ишларини яхши йўлга қўйиш тадбирлари белгиланди.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ИЛҲОМБАХШ ВОҚЕА

Р. РОА: «БИЗ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ТИМСОЛИДА УЛУҒ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИНИ ТАБРИКЛАЙМИЗ».

ГАВАНА, (ТАСС). Куба Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, ташқи ишлар министри Рауль Роа КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Кубага қиладиган визити муносабати билан бундай деди: Совет Иттифоқи ва Куба халқларининг қаҳрамонона анъаналари ўтмишда ва ҳозирги вақтда бир-бирига қўшилиб кетган ва келажакда ёрқин истиқболга эга. Келажак эса тўла-тўкис ва батамом коммунизмникидир.

Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг, улуғ қардош мамлакат Коммунистик партияси Марказий Комитети Бош секретарининг, унинг олий раҳбарининг Кубага визити, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда Р. Роа, жаҳонда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлатининг гениал асосчиси Владимир Ильич Ленин хотирасини бутун дунё ҳурматлаб эсга олаётган ҳамда Куба мустақиллигининг жонкуяри ва Латин Америкасида империализмга қарши биринчи курашчи Хосе Марти туғилган кун нишонланаётган бир даврда ўтади. Бу воқеаларнинг бир вақтда тўғри келиши шубҳасиз, чуқур рамзий маънога эга.

Л. И. Брежневнинг визити чоғида олий раҳбаримиз ўртоқ Фидель Кастро айтганидек, бир томондан «Совет Иттифоқи халқлари ва коммунистларининг, унинг раҳбарларининг революцион Кубага бўлган катта муҳаббати», иккинчи томондан эса, «совет халқининг қардошларча ёрдами ва бирдамлиги учун бизнинг миннатдорчилигимиз» бутун кучи ва салобати билан намойиш қилинади.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Кубага визити жуда муҳим аҳамиятга эга. Визит Совет Иттифоқи билан Куба ўртасидаги дўстлик, бирдамлик ва ҳамкорликнигина тасдиқлаб қолмайди. Бу визит бутун дунёда одамнинг одам томонидан эксплуатация қилинишини батамом тугатишга олиб борадиган фақат битта йўл мавжудлигини кўрсатувчи янги ёрқин далил бўлади. Л. И. Брежневнинг Кубага визити бутун инсоният учун илҳомбахш стимул бўлиб хизмат қилади.

Биз ўртоқ Л. И. Брежнев тимсолида Улуғ Октябрь революциясини, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини ва бутун халқини табриклаймиз. Совет Иттифоқида ишчилар синфининг ижодий қобилиятлари ҳеч қачон кўзгудагидек акс этмоқда. Совет Иттифоқи марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципларига асосланган социалистик жамиятнинг намунаси бўлиб хизмат қилмоқда, деб таъкидлади Р. Роа.

«МАРҲАБО, ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ!»

ГАВАНА, 25 январь. (ТАСС). «Марҳабо, ўртоқ Л. И. Брежнев!» деган шодиёна табрик сўзлари Куба газеталарининг биринчи саҳифаларида йирик ҳарфлар билан терилган. Газеталар КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Кубага қиладиган расмий дўстона визитига бағишланган жуда кўп хабарларни ва бошқа материалларни босиб чиқармоқдалар. Бу материалларда Совет Иттифоқи билан Куба ўртасидаги муносабатларнинг қардошлик муносабатлари эканлиги, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг бутун дунёда тинчлик учун, тараққиёт ва социализм учун курашдаги буюк роли таъкидлаб ўтилади.

Куба газеталари олий даражада ўтказиладиган учрашув ва музокаралар муҳим халқаро воқеа бўлади ва бутун инсоният манфаатларини кўзлаб, Совет Иттифоқи билан Куба ўртасидаги қардошларча муносабатларни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшади, деб ишонч билдирмоқдалар.

«Гранма» газетасининг «Ленин даври» сарлавҳали мақоласи шу визитга бағишланган. Куба коммунистларининг газетаси бу мақолада КПСС ўз амалий фаолиятига асос қилиб олган ленинча ғоялар Латин Америкасида революцион жараённи кучайтириш учун жуда муҳим роль ўйнаётганлигини таъкидлайди.

И. БРОЗ ТИТО ДЕҲЛИГА КЕЛДИ

ДЕҲЛИ, 24 январь. (ТАСС). Югославия Социалистик Федератив Республикаси Президенти И. Броз Тито расмий визит билан бугун бу ерга келди. Ҳиндистон Республикасининг президенти В. В. Гири ва бошқа расмий кишилар Палам аэропортида уни кутиб олдилар.

ЧИЛИ КОМПАРТИЯСИНИНГ МУРОЖААТИ

БЕРЛИН, 24 январь. (ТАСС). Чили Коммунистик партияси жаҳон жамоатчилигига мурожаат қилиб, Досон оролидаги қамоқ лагерида ва бошқа жойлардаги қамоқхоналарда азоб чекаётган Чили ватанпарварларининг ҳаётини қутқариб қолишга ва уларнинг дарҳол озод этилишини талаб қилишга даъват этди.

Маълумки, Чили Компартиясининг Бош секретари Луис Корвалан, Халқ бирлиги ҳукуматидаги ташқи ишлар министри Клодомиро Альмейда ва бошқа чилилик демократлар Досон оролида ғоят оғир шароитда сақланмоқда.

Чили Коммунистик партиясининг бу ерда тарқатилган мурожаатида бундай дейилади: ҳарбийлар Досон оролига сургун қилинган Чили халқининг раҳбарларини ҳар қандай воситалар билан йўқ қилиб юборишга интилмоқдалар. Оролда ташкил қилинган каторга режими билан бирга бу ернинг қаттиқ иқлим шароитларини фақат ажал лагерлари билан таққослаш мумкин. Маҳбуслар, дейилади Компартиянинг мурожаатида, ташқи дунёдан батамом ажралган ҳолда сақланмоқда. Уларга ҳозиргача расман ҳеч қандай айб қўйилгани йўқ.

Коммучистик партия хунтанинг инсон қадр-қиммати ва ҳуқуқларини қўпол равишда поймол қилаётганлигини қоралашга ва Чили ватанпарварлари билан бирдамлик кампаниясини активлаштиришга халқаро демократик ташкилотларни даъват этади.

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

БУГУН — ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН КУН

Иккинчи жаҳон урушида гитлерчилар Германияси ва япон милитаризми тор-мор этилиши ва жаҳон социалистик системасининг ташкил топиши натижасида Осиё ва Африка халқларининг мустамлакачилик зулмига қарши миллий озодлик кураши кучайди. Жумладан, ҳинд халқи ҳам революцион курашга отланди. Ниҳоят, 1950 йилнинг 26 январида Ҳиндистон мустақил республика деб эълон қилинди.

Мана, 24 йилдирки, сиёсий мустақилликка эришган Ҳиндистон давлати мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ва уни ривожлантириш учун мардонавор курашиб келмоқда. Экономиканинг етакчи тармоқларини давлат сектори қўлига олган Ҳиндистон ҳукумати замонавий индустриал экономикани яратишга катта аҳамият берди. Ҳиндистон экономикасини планли ривожлантиришда металлургия, машинасозлик, нефть саноати, электр энергияси ишлаб чиқариш каби саноат тармоқларини жадал суръатлар билан ўстириш муҳим роль ўйнамоқда. Замонавий техника ёрдамида қўлга киритилган ютуқлар Ҳиндистон экономикасининг структурасини тубдан ўзгартириб юборди. Бундан бир неча йиллар муқаддам Ҳиндистон саноат асбоб-ускуналарининг асосий қисмини четдан сотиб олган бўлса, эндиликда бундай асбоб-ускуналарни унинг ўзи четга экспорт қилмоқда. Бу борада Совет Иттифоқининг бегараз ёрдами катта роль ўйнамоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, Совет — Ҳиндистон иқтисодий ҳамкорлиги бегараз, дўстона бўлиб, Ҳиндистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилган ва Ҳиндистон манфаатига зид келувчи ҳар қандай оғир шартлардан ҳолидир. Империалистик давлатлар «ёрдамлари» ва «ҳамкорликлари» билан хусусий секторни мустаҳкамлашга ва Ҳиндистонни ўзларига иқтисодий жиҳатдан қарам қилиб олишга ҳаракат қилиб келдилар. Масалан, Бокаро металлургия комбинатини қуриш учун Ҳиндистон АҚШга мурожаат қилганида, улар комбинат битгач, 10 йил давомида унинг Америка монополияларининг ихтиёрида бўлишини ва комбинат давлат секторида эмас, балки хусусий сектор қарамоғида бўлиши ҳақидаги оғир шартларни қўйган эди.

Совет мутахассислари эса Ҳиндистон давлатининг манфаатига мос келадиган шартнома асосида комбинатни қуриш ишини бошлаб, 1972 йилдаёқ унинг биринчи навбатини ишга туширдилар. Эндиликда Жануби-Шарқий Осиёдаги энг йирик — Бокаро металлургия комбинати тўла қувват билан ишлаш арафасида турибди. Бу завод тўла ишга тушгач, йилига 10 миллион тонна пўлат беради.

Ҳиндистон Совет Иттифоқининг ташқи савдосида ҳам катта ўринни эгаллайди. Совет — Ҳиндистон товар оборoти кейинги 10 йил ичида 4 баравардан зиёд ўсди. Эндиликда СССР Ҳиндистондан фақат ҳом ашё маҳсулотларигина эмас, балки кўплаб саноат маҳсулотларини ҳам сотиб олмоқда.

Ҳиндистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда деҳқончилик равнақига асос солган 13 та йирик давлат фермаларининг роли катта бўлди. Ана шу фермаларнинг 6 таси Совет Иттифоқининг ёрдамида ташкил этилиб, улар совет техникалари билан таъминланди. Совет давлати 1972 йилги қаттиқ қурғоқчилик натижасида оғир аҳволга тушиб қолган Ҳиндистонга катта ёрдам кўрсатди. Бу ҳақда Ҳиндистон бош министри Индира Ганди ўтган йили Ҳиндистонда меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневга миннатдорчилик билдириб бундай деган эди: «...бизда на пул, на дон қолмаган эди. Ҳатто ўшандай қийин вақтда ҳам сизлар бизга ёрдам қўлини узатдингиз,... бизга галла юбордингиз. Биз бунинг учун сизлардан ғоят миннатдормиз».

Ҳиндистон Республикаси маориф ва маданият соҳасида ҳам улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. 80 миллиондан ортиқ бола мактабларда билим олмоқда. Университетлардаги студентлар сони эса 1973 йилда 3 миллион кишини ташкил этди. Бхилан қурилиши учун инженер-техник кадрлар тайёрлаш, Бомбайдаги технология институти учун асбоб-ускуналар етказиб бериш, Совет олий ўқув юртларида ҳинд мутахассисларининг малакасини ошириш, Совет профессор ва ўқитувчиларини Ҳиндистон олий ўқув юртларига юбориш ва бошқалар Совет — Ҳиндистон маданий ҳамкорлигининг ёрқин намунасидир.

Ҳозирги пайтда Ҳиндистон олдида халқ оммасининг фаровонлигини таъминлаш, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётнинг юқори даражасига эришиш каби мураккаб проблемалар турибди. Бундай проблемаларни ҳал этишда 1974 — 1979 йилларга мўлжалланган бешинчи беш йиллик план муҳим қадамдир.

1973 йилнинг ноябрида КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган тарихий визити мустаҳкамланиб бораётган Совет — Ҳиндистон дўстлиги занжиридаги яна бир мустаҳкам бўғин бўлиб қолди. Ҳиндистон халқи ўртоқ Л. И. Брежневни буюк дўст сифатидагина эмас, шу билан бирга ликда халқаро кескинликни юмшатиш борасида содиқ бўлаётган жараённинг асосий ташаббусчиларидан бири сифатида қутиб олди. Л. И. Брежнев Ҳиндистонда бўлган вақтида таъкидлаганидек, «Ҳозирги вақтда Совет — Ҳиндистон муносабатлари барқарорлик ва ўзаро ишончнинг шундай бир поғонасига кўтарилдики, шунга таяниб, биз узоқ йилларни мўлжаллаб келажакка назар ташлаш, ҳамкорлигимизнинг турли соҳасида ана шу келажакни муайян даражада планлаштириш имкониятига эга бўлиб қолдик».

Шубҳа йўқки, Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон ўртасидаги тинчлик, дўстлик ва иқтисодий ҳамкорлик каби алоқалар йил сайин равнақ топиб, мустаҳкамланаверади.

Э. ҒУЛОМОВ.



СУРАТДА: Деҳли марказидаги маъмурий бино.

В. Соболев фотоси, (ТАСС).

МАРКАЗИЙ АМЕРИКА ВА МЕКСИКА КОМПАРТИЯЛАРИНИНГ МАКТУБИ

САН-ХОСЕ. (ТАСС). Марказий Америка мамлакатлари ва Мексика Коммунистик партияларининг КПСС Марказий Комитети номига йўллаган мактубида бундай дейилади: «Биз, коммунистлар, жаҳон пролетариатининг улуғ йўлбошчиси В. И. Ленин вафот этган куннинг 50 йиллигида унинг бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан эслабгина қолмай, шу кунларда КПСС асосчисининг назарий ва амалий фаолиятининг буюк самараларини яна бир бор баҳолаш имконияти туғилди, деб ҳисоблаймиз».

Империализм идеологлари ва ревизионизм раҳбарлари ҳозирги вақтда В. И. Ленин таълимотига путур етказишга ҳаракат қилмоқдалар, деб таъкидланади мактубда. Улар В. И. Ленининг назарий меросини, марксизмни Россиянинг «алоҳида шароитларига» татбиқ этишдан иборат бир нарса деб кўрсатишга уринмоқдалар.

«Биз, коммунистлар, В. И. Ленининг назарий меросини ҳимоя қилиш»ни ҳамда антикоммунизмнинг барча формаларига қарши кураш олиб боришни ўзимизнинг ҳеч сўзсиз бурчимиз, деб ҳисоблаймиз. Бу шартларнинг бажарилиши у ёки бу мамлакатда революцион ҳаракатни ривожлантириш учун зарурдир», — дейилади мактубда.

«Биз, Марказий Америка ва Мексика коммунистлари, — деб уқтирилади ҳужжатнинг якунловчи қисмида, — халқларни В. И. Ленин таълимотини эгаллашга ва миллий озодлик учун, демократия ва социализм учун курашда олга бориш учун бу қуролни қўлда маҳкам ушлашга даъват этамиз».

МУРТАДГА ЗАРБА

Жаҳон тараққийпарвар матбуоти «Правда» газетасининг «Сотқинлик йўли» мақоласини шарҳлаб, Солженицининг маънавий ботқоқликка юз тўпан кетганлигини ва совет халқига қабиҳларча ҳиёнат қилганлигини таъкидламоқда.

Париждаги «Юманите» газетаси саҳифасида С. Лейрак муртад Солженицинга кескин зарба берди. Солженицин ўз мамлакатининг тарихини жўрттага бузиб кўрсатмоқда ва қарбакилаштирмоқда, ўз халқига туҳмат қилмоқда, деб таъкидлайди. У. Агар Солженицининг гапига ишонадиган бўлсак, деб ёзади Лейрак, Россияда мулкдор синфлар бошлаган ҳеч қандай гражданлар уруши бўлган эмас, 14 ажнабий давлатнинг ҳеч қандай қуролли интервенцияси бўлган эмас эмиш, СССР санитария кордони билан ўраб олинмаган эмиш, иккинчи жаҳон уруши даврида у барча халқларнинг озодлигини бениҳоя зўр машаққат билан ҳимоя қилиб қолгач, уруш тамом бўлиши биланоқ атом шантажи хавфига дуч келмаган эмиш. Солженицин ана шуларнинг ҳаммасини йўққа чиқариб ташлабди. У гестапони, гитлерчиларни оқлаб кўрсатибди. Бунчалик ҳам разолат бўладими, ахир, деб ёзади Лейрак.

Собиқ эсэсчилар, нацистлар ва ҳарбий концерилар Солженицининг китобидан мамнун бўлишлари мумкин, деб ёзади Германия Компартияси правленнесининг аъзоси Г. Штюц «Унзере цайт» газетасида. Солженицининг китоби фақат ўшаларнинг манфаатларига хизмат қилади. Реакцион матбуот «ахлоқ таргиботчиси» деб кўрсатишга уринаётган Солженицин Вьетнамдаги оммавий қирғин хусусида, Чилидаги қонли ёвузликлар, Греция-дагі террор ҳақида лом-мим демаганлигини Штюц эслатиб ўтади.

«Туҳмат ва сохтакорлик билан тўлиб-тошган Солженицининг «Гулаг оролари» китобига ҳар бир софдил киши жирканч билан қарамоқда, деб ёзади Байрутдаги «Аш-Шаоб» газетаси ўзининг редакцион мақоласида. — Кўпдан бери ғарб пропагандаси олқишлаб келаётган бу ёзувчи ўзини ўз ватани душманларига сотиб, ўзи қўл кўтарган давлат территориясида яшаб турганлигини унутиб қўйди».

Чехословакияда чиқадиган «Смена» газетаси бундай деб ёзади: «Солженицининг янги асари бачкана реакцион ғарб газета ва журналларининг севган янгилиги; Советларга қарши янги кампанияни авж олдириш қуроли бўлиб қолди. бу «асар»да Солженицин сотқинлик ботқоғига янада кўпроқ ботиб кетган. У Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларини, СССР халқларининг маҳрумликлари ва азоб-ўқубатларини шубҳа остига қўймоқчи бўлган. Солженицин учун ғўё «марҳаматли» ва «раҳмдил» бўлган нацистлар армияси анча ёқимли бўлиб кўринади, власовчи ва бендерачи хоинларнинг жиноятлари эса, жиноят эмасдек туюлади».

Болгариядаги «Народна младеж» газетаси қуйидагиларни таъкидлайди: Солженицин Совет мамлакатининг бутун тарихини қоралаб кўрсатганлиги, у совет халқига, большевикларга, уларнинг партиясига ҳужум қилганлиги душманларимизга айниқса хуш келмоқда. Аммо тарих сотқинларни яхши сўз билан эсламайди. Солженицининг янги китоби пайдо бўлгандан кейин у сотқинлик йўлига узил-кесил ўтиб олганлиги тўғрисидаги сўнгги гумонлар ҳам йўқ бўлди. Антисоветизмнинг чирки байроғи остида хоинлару сотқинларгина тўпланишини тарих мантиқи аллақачонлар исбот этган.

(ТАСС).

Узбекистон ССР ва Узбекистон компартияси 50 йил

Область шаҳарлари

САМАРҚАНД



Жаҳонга маълум ва машҳур шаҳар. Унинг ноёб ёдгорликлари чиндан ҳам кишини ҳайратда қолдиради. Йигирма беш асрлик тарихида жуда кўп воқеаларни бошидан кечирган шаҳарга ҳамма қизиқади. Ёз ва қиш кунлари ҳам шаҳар ёдгорликлари атрофи доимо гавжум бўлади. Революцион Регистон майдони, ундаги Шердор, Тиллакори ва Улуғбек мадрасалари, Шоҳизинда ансамбли, Гўри Амир мақбараси, Озодлик монументи, Улуғбек обсерваторияси ва бошқа тарихий ёдгорликлар ёнида ҳамиша одамлар кўп бўлади.

Ҳа, қадимий шаҳарнинг ўтмиши, ноёб ёдгорликлари замондошларимизни шундай ўзига жалб этади. Ҳар куни шаҳар, ҳар ойда Совет Иттифоқи ва чет эл мамлакатларининг турли жойларидан қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқандга саноатчилар, туристлар келишади. Шаҳар ҳаёти, тарихий ёдгорликлари билан танишадилар.

Шаҳар фақатгина ёдгорликлар билан эмас, ўтмишда фан ва маданияти билан ҳам ном чиқарган. Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий Самарқандда яшаган ва ижод қилган. Шаҳарнинг тарихи Рудакий, Абу Али Ибн Сино, Бобир, Жомий, Улуғбек, Аҳмад Дониш, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний ва бошқа олимлар ва ёзувчиларнинг номлари билан боғлиқдир. Машҳур мемуарларнинг муаллифи Заҳириддин Бобир Самарқандни ўша пайтда жуда ажойиб таърифлаган.

Совет ҳокимияти йилларида қадимий Самарқанд янада гуллаб-яшнади. Шаҳар йил сайин ўсиб ва ривожланиб бормоқда. Пиёдалар ва араваларгина қатнай оладиган эгри-бугри тор кўчалардан асар қолмади. Социалистик қурилиш йилларида шаҳар қиёфаси бутунлай ўзгариб кетди. 1931 йилда ишга туширилган шаҳар водопровод тармоқлари тобора кенгайтириб борилмоқда. Кейинги йилларда 130 дан ошиқ янги, обод кўчалар пайдо бўлди. Гагарин ва театр майдонлари бундан қарийб ўн йил илгари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги шарафига меҳнаткашларга туҳфа этилган эди. Шаҳардаги опера ва балет театри биноси ҳам ўша йили ишга туширилди. Орадан учтўрт йил ўтгач, театр биноси ёнида область партия комитетининг янги, кўп қаватли биноси қад кўтарди. Область касаба союзлари ва область-шаҳар прокуратураси учун катта бино, яқинда область матбуот уйи қурилиб фойдаланишга топширилди.

Шаҳарнинг тоғли юбилейи муносабати билан талай юбилей объектлари қурилиб ишга туширилди. Пушкин номидаги область кутубхонаси, Самарқанднинг 2500 йиллиги номига қўйилган Регистон майдонидаги ресторан, Чинни заводи, кўп қаватли «Самарқанд», Боғишамол меҳмонхоналари ва кенг экранли «Самарқанд» кинотеатр бинолари шулар жумласидандир. Ўтган йили СССР 50 йиллиги номи берилган лифтсозлик заводи, янги йил арафасида холодильник заводи ишга туширилди. Ҳозир Самарқанд шаҳрида йирик саноат корхоналари сони 50 дан ошди. Бунда Иттифоқ аҳамиятига молик «Красный двигатель», «Кинап» заводлари, чой қадоқлаш, шойи тўқиш, пиллакашлик фабрикалари, суперфосфат заводи ва бошқа корхоналар ишлаб турибди.

Сўнгги йилларда катта массивлар вужудга келтирилди. Бир вақтлари Гагарин массиви бўшаб ётарди. Энди унда кўп қаватли қатор уй-жойлар, «Кинап» заводининг ҳамда пойафзал ва «8 Март» тикувчилик фабрикаларининг янги корпуслари қад кўтариб турибди. Шаҳарнинг кун ботиш томонида саноат зонаси, унга туташиб кетган микрорайон барпо этилмоқда. Мебель фабрикаси, шина, лифтсозлик, чинни, холодильник заводлари шу томонга жойлашган. Кўп ўринли меҳмонхона қуриляпти. Яна шаҳарнинг бошқа томонида Андижон массиви вужудга келтирилмоқда.

Мана шу янги массивларда, кўчаларда қатнаш учун меҳнаткашларга яхши шароитлар яратилган. Иккита йирик автобаза ва битта такси базаси ташкил этилган. Шу базалар аҳолига хизмат қилади. Жуда кўп маршрутлар бўйича қатнаб туради. Кейинги йилларда троллейбус маршрутлари ҳам анча кўпайтирилди. Сиёбдан шаҳарнинг Вокзал, Гагарин массиви, холодильник заводи томонларига троллейбуслар системали қатнайди. Вокзал-аэропорт йўлида қатнайдиган машиналар сони икки баравар кўпайди.

Ўқув юртлар шаҳри ҳисобланган Самарқандда 7 та олий ўқув юрти ишлаб турибди. 14 та ўрта махсус ўқув юрти ва техникум мавжуд. Буларда ўттиз етти мингдан кўпроқ студент таълим оляпти. Шунингдек, 52 та умумий таълим мактаби бор. Бу мактабларда ҳам эллик мингдан ошиқ бола ўқимоқда. Қанчадан-қанча илмий тадқиқот институтлари, илмий станциялар мавжуд. 1958 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тарих ва археология институти Самарқанд бўлими ташкил этилиб, бўлим олимлари қадимий Афросиёб сирларини очишда катта ишлар қилмоқдалар. Ажойиб топилмалари билан фанимизга янгилик қўшмоқдалар.

Қадимий Самарқанд ҳамиша навқирон. Шаҳарнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида буюк ўзгариш бўлди ва бўлмоқда. Самарқанд шаҳрида соғлиқни сақлаш ишлари, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш йилдан йилга, кундан кунга яхшиланмоқда. Инсон саломатлиги йўлида кўп ишлар амалга оширилмоқда. Кўп касалхоналар, Самарқанд медицина институтининг клиникалари, завод ва фабрикалар ҳузуридаги медицина пунктлари меҳнаткашлар хизматида. Шаҳарда мингдан ошиқ врач, 2500 тача медицина ходимлари ишлаяпти.

Ленин орденли Самарқанд шаҳрида опера ва балет, рус драма ва Ҳамид Олимжон номли Ўзбек театри бор. Алишер Навоий номидаги Давлат университети. Химиклар посёлкаси ҳузуридаги Маданият саройида халқ театрлари ишлаб турибди. Шаҳардаги 42 та клуб, учта маданият уйида хилма-хил маданий-оқартув ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг тоғли 50 йиллик юбилейи шарафига саноат корхоналарида мусобақа янада қизитиб юборилди.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Суратда: М. Горький хиёбонида қурилган Самарқанд давлат университетининг янги ўқув корпуси биноси.

А. Кузьменко фотоси.

АХБОРОТ

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

ДАШТДАГИ ШАҲАРЧА

Ўзбекистон районидаги «Ғаниобод» совхозининг маркази бундан 10 йил илгари «Конизарар»га кўчди-ю, даштга файз кирди. Чўлнинг ҳусни ўзгариб кетди. Ҳозир унинг номи «Конизар» деб аталмоқда.

Ҳозир «Конизар»нинг жамоли шаҳарга қиёс этгулик. Кенг ва равон асфальт йўллар, шинам уйлар, шаҳарча кўркига ҳусн бағишламоқда. Бир қанча магазин, ошхона, алоқа бўлими, маиший хизмат кўрсатиш комбинати, новвойхона, ҳаммом меҳнаткашлар хизматида. Бу ерда яна 500 ўринли маданият саройи қуриб битказилди. Шунингдек, совхоз қурувчилари 120 ўринга мўлжалланган шифохона биносини ҳам фойдаланишга топшириш арафасида.

А. ПАТТАЕВ.

ЁШ СОЗАНДАЛАР КЎРИГИ

Бундан икки йил муқаддам Тошкентда халқ чолғу асбоблари созандалари ва баянчиларнинг биринчи республика конкурси бўлиб ўтган эди. Ушанда конкурс ғолиби деб топилган ёшлардан Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, чангчилар Фазилат Шукурова ва Рустам Неъматов, ғижжакчи Шуҳрат Йўлдошевлар бугунги кунда томошабинларга анча таниш бўлиб қолдилар.

Халқ чолғу асбоблари созандалари ва баянчиларнинг шу йил 1 — 10 февраль кунлари Тошкентда бўладиган иккинчи республика конкурси Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги тўйига бағишланади. Яқинда ушбу тадбирга бағишланиб, республика маданият министрининг ўринбосари А. Муҳамедов раҳбарлигида ташкилий комитет йиғилиши бўлиб ўтди.

Кўрикка область маданият бошқармалари, олий ва ўрта музика билим юртларининг тавсияси билан келган профессионал чолғучи — ижрочилар қатнашишлари мумкин.

Конкурс икки турдан иборат бўлиб, биринчи турда 18-20 балл олишга эришган созандалар иккинчи турга қўйилади.

Кўрик якунида биринчи, иккинчи ҳамда учинчи ўринни эгаллаган созандаларга конкурс лауреати унвони берилиб, диплом билан тақдирланадилар.

НАҚҚОШЛАР

ТОШКЕНТ. Пойтахтдаги маданий-оқартув техникумининг расом-безатувчилик бўлимини битирган бир группа нақкошлар республикамиз областлари, шаҳар ва районларига ишлаш учун йўлланма олдилар. Улар янгидан қад кўтараётган биноларга безак беришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Э. ҚОДИРОВ.

ХРОНИКА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўртоқ Суннат Иброҳимович Иброҳимов пенсияга чиққанлиги муносабати билан уни Ўзбекистон ССР қурилиш министри вазифасидан озод қилди.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

28 ЯНВАРЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.30 — МОСКВА. 10.45 Концерт. 12.15 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 13.15 — Концерт. 14.00 — **Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Кубага қиладиган визитига доир.** 16.05 — Биз — табиат ғўзалари. 16.30 — «Безаклар». 17.00 — Адабий ўқиш. 17.50 — Янгиликлар. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.05 — Тележурнал. 19.00 — «Ахборот». 19.15 — Оламда нима гап? 19.35 — Владимир областининг муқобил плани (Москва). 20.20 — «Ахборот». 20.40 — Партком ва социалистик мусобақа. 21.00 — **Биринчи бўса** (спектакль). 22.00 — «Вақт». **Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Кубада бўлишига доир.** 23.00 — Спектаклнинг давоми. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — МОСКВА. 18.30 — **Хоккей: СССР — ФИНЛЯНДИЯ.** 19.15 — Мультфильм. 19.35 — Шеъриятнинг юксак юлдузи. Расул Гамзатов (Тошкент). 20.20 — Эфирда — «Молодость». 21.25 — Концерт. 22.00 — ТОШКЕНТ. 22.40 — Телефильм. 23.00 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

29 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 12.35 — Янгиликлар. 12.45 — Концерт. 14.00 — **Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Кубада бўлишига доир.** 17.10 — Янгиликлар. 17.20 — Телефильм. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.05 — Мультфильм. 18.25 — Спорт программаси. 18.55 — **Яшасин Куба** (ҳужжатли фильм). 19.15 — Халқ контроли экрани. 19.45 — «Ахборот». 20.00 — Қишлиш ва муқобил план. 20.20 — Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети. 20.50 — Ўн минут музика. 21.00 — «Ахборот». 21.20 — Концерт. 22.00 — «Вақт». **Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Кубада бўлишига доир.** 23.00 — Кино оламида. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. 12.00 — **Қора чайка** (бадиий фильм). 18.00 — МОСКВА. 18.30 — Концерт. 19.00 — Фотоҳаваскорлар учун кўрсатув. 19.30 — Телефильм. 19.45 — Концерт. 20.00 — Музейлар ва нўғразма заллари бўйлаб. 20.30 — Телефильм. 20.40 — Фильм-спектакль. 22.00 — Ҳужжатли фильмлар. 23.00 — Фильм-спектаклнинг давоми. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Илмий-оммабоп фильм. 20.05 — Математика оламига саёҳат. 20.35 — **Болтиқ осмони** (бадиий фильмнинг 1-серияси).

30 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 12.35 — Янгиликлар. 12.45 — Ҳужжатли фильм. 13.30 — Ёшлар ижоди. 14.00 — **Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Кубада бўлишига доир.** 15.45 — Дунё океани. 16.10 — «Шеърият». 16.30 — Фан оламида. 17.00 — Китоблар оламида. 17.35 — Янгиликлар. 17.45 — ТОШКЕНТ. 17.50 — «Орзу» программаси. 18.30 — «Ахборот». 18.45 — Миллионлар ленинча университети. 19.00 — **Танбур навоси** музикали телепостановка). 19.40 — «Ахборот». 20.00 — МОСКВА. Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. 22.00 — «Вақт». **Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Кубада бўлишига доир.** ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. 12.00 — **Энг гўзал кемалар** (бадиий фильмнинг 1-сериясы). 17.45 — МОСКВА. Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 18.15 — Эркин кураш бўйича СССР ва АҚШ терма командалари ўртасида халқаро учрашув. 19.05 — Москва ва москвиликлар. 19.30 — Телефильм. 20.00 — ТОШКЕНТ. «ЧАШМА». 21.30 — Тележурнал. 21.40 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 22.20 — Ҳужжатли фильм. 22.50 — Бадиий фильм. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Илмий-оммабоп фильм. 19.30 — Ўқув кўрсатуви. 20.10 — Яғи қишлоқ жамоли. 20.40 — **Болтиқ осмони** (бадиий фильмнинг 2-сериясы).

31 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 12.35 — Янгиликлар. 12.45 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 13.15 — Телеочерк. 13.45 — Концерт. 14.00 — **Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Кубада бўлишига доир.** 16.00 — Телефильм. 16.30 — Спорт ҳақида суҳбат. 17.00 — Рус тили. 17.45 — ТОШКЕНТ. 17.50 — Мактабимиз — фахримиз. 18.20 — «Ахборот». 18.35 — «Прогресс» программаси. 19.05 — Ўн минут музика. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Миллионлар ленинча университети. 20.00 — Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. 22.00 — «Вақт». **Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Кубада бўлишига доир.** ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. 11.50 — **Энг гўзал кемалар** (бадиий фильмнинг 2-сериясы). 17.45 — МОСКВА. 19.30 — ТОШКЕНТ. 20.00 **Олис юлдуз шуъласи** (бадиий фильмнинг 1-сериясы). 21.10 — Концерт. 21.50 — Шеърият мухлисларига. 22.00 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 22.40 — Ҳужжатли фильм. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.30 — Фильм-концерт. 20.35 — **Ёш келин-куёвлар қиссаси** (бадиий фильм).

1. ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 12.35 — Янгиликлар. 12.45 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 13.30 — Концерт. 14.00 — **Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Кубада бўлишига доир.** 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.05 — Мультфильм. 18.15 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 18.45 — «Ахборот». 19.00 — Концерт. 20.00 — «Фан» программаси. 20.25 — «Ахборот». 20.45 — МОСКВА. Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. 22.00 — «Вақт». **Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Кубада бўлишига доир.** ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.55 — МОСКВА. 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.10 — Эртага бугунгидан яхши ишлаймиз. 19.20 — Концерт. 19.35 — **Мгернинг дам олиш давридаги саргузаштлари** (бадиий фильм). 20.45 — ТОШКЕНТ. **Олис юлдуз шуъласи** (бадиий фильмнинг 2-сериясы). 21.55 — Ҳужжатли фильм. 22.40 — «ЧАШМА». УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Тошкентнинг бугуни ва эртаси. 19.50 — Бадиий фильм.

2 ФЕВРАЛЬ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Телеочерк. 10.20 — **Телеминиатюралар.** 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — Мультфильмлар. 11.40 — Фақат осмон бизнан баланда. 12.15 — Концерт. 12.50 — «Здоровье». 13.20 — Концерт. 14.00 — **Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Кубада бўлишига доир.** 16.00 — ТОШКЕНТ. 16.05 — Мультфильм. 16.15 — Экран — болаларга. 17.00 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.00 — «Ахборот». 18.15 — **Оламга саёҳат.** 19.15 — «Фан» программаси. 19.45 — Ўн минут музика. 19.55 — Мусобақада энг муҳими. 20.10 — «Ахборот». 20.30 — Экранда — Андижон области. 22.00 — «Вақт». **Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Кубада бўлишига доир.** ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 14.15 — «Замандас» программаси. 16.00 — МОСКВА. 17.00 — **Икки капитан** (бадиий фильм). 18.35 — Музикали программа. 19.40 — Цирк чироқлари. 20.25 — Аёллар ўртасида конькида тез югуриш бўйича Европа чемпионати. 20.45 — Музикали спектакль. 22.00 — ТОШКЕНТ. 22.40 — **Генерал Раҳимов** (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 16.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

3 ФЕВРАЛЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.25 — ТОШКЕНТ. 9.30 — Янгиликлар. 9.40 — Фильм-концерт. 10.10 — **Мўъжизалар бошқармасидан келган сеҳргар** (телеспектакль). 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — «Будильник». 11.40 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.40 — Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. 14.00 — **Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Кубада бўлишига доир.** 15.30 — Қишлоқ янгиликлари. 16.30 — ТОШКЕНТ. 16.35 — Болалар учун кинопрограмма. 17.05 — «Янгра, барабан». 17.45 — «Ахборот». 18.00 — Халқаро панорама (Москва). 18.30 — **Телеминиатюралар.** 19.10 — «Ахборот». 19.25 — Ўн минут музика. 19.35 — Социалистик мусобақа кенг кулоч ёйсин! 20.00 — МОСКВА. Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. 22.00 — «Вақт». **Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Кубада бўлишига доир.** ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 16.30 — МОСКВА. **Самовий ҳайдовчи** (бадиий фильм). 17.50 — Кинофильм. 18.00 — Киноэкран янгиликлари. 18.30 — Музикали иловка. 19.00 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 20.00 — ТОШКЕНТ. Концерт. 21.00 — **Ватан ишқи** (спектакль). 22.30 — «Азимут». 23.00 — Ҳужжатли фильм. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.00 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

ЯҲШИЛАРГА РАҲМАТ!

ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН

Стол ён-верида жуда кўп телефонлар ўрнатилган. Ўрта бўйли, истараси иссиққина аёл Фарғона билан гаплашиб улгурмай, Андижон жиринглади. У билан гапни тугатиб трубкани қўяр-қўймай, ички телефондан чақиришади.

— Составга, албатта, вагон қўшамиз. Биламан, саёҳатга кетганлар қайтади. Москва — Душанба — Қўнғирот поездларига яқинда ремонтдан чиққанларини улаймиз. Ҳа-ҳа, 200 вагон. Саломат бўлинг...

Шу орада хонага ийманибгина бир қиз кириб келади.

— Хизмат? — жилмайиб қарши олади пультларни бошқараётган бояги аёл.

— Чет эллик туристларимиз Самарқанд ва Бухорони томоша қилишмоқчи. Бугун ёки эртага уларни жўнатишимиз керак. Сизнинг рухсатингиз лозим...

— Эртага нонуштадан сўнг йўл ҳозирлигини кўришаверсин... Маъқулми?

— Кўнгилдагидек, — маннун чиқиб кетади қиз.

— Йўлингиз бехатар бўлсин, — оҳиста кузатиб қолади аёл.

Бу аёл Тошкент темир йўлининг пассажирларга хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиги Гулчеҳра Гуломовадир.

— Вокзаллар бири-биридан олис. Тошкентдан туриб уларга раҳбарлик қилиш қийин эмасми?

— Осон эмас. Вокзаллардаги аҳвол, ўзига хос қийинчилик ва имкониятлар ҳар қалай кўз олдимга келиб туради.

22 вокзал, 50 станция, 8 бўлимни бошқараётган Тошкент темир йўлининг пассажирларга хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиги коммунист Г. Гуломова ўз лавозимида сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Буни таклиф ва мулоҳазалар дафтаридаги миннатдорчилик сўзларидан ҳам билса бўлади.

Р. ХАЛИЛОВА.

Тошкент шаҳридаги А. Гайдар номли болалар кутубхонаси ҳамиша умид гунчалари билан гавжум бўлади. Суратда: кутубхоначи З. Бенъяминова ёш китобхон билан суҳбат қилмоқда.

А. Тўраев фотоси.

АЖАБ САВДОЛАР

КАССАГА ЭМАС, КИССАГА

Турсунбой Насриддиновни Наманган йўлларида тез-тез учратиб турамиз. У 22-26 НАВ номерли автобусни истаган томонига ғизиллатиб юради. Йўловчилардан тушган пулни хоҳласа кассага ташлайди, хоҳламаса қиссасига уради.

Кунларнинг бирида ана шу учар йўлга отланаётиб, укажонлари Қодиржон билан Воҳиджонларни эргаштириб олди.

— Қани, юринглар, йўловчилардан пул йиғишда қарашиб юборасизлар.

Автобус у томондан бу томонга бориб келаверди. «Ҳашарчи» йигитчалар тушган пулларни чўнтакка солишаверди.

Турсунбой сингари беш панжасини бир йўла оғзига тиққан шоферлар Наманганда оз эмас. 22-04 НАВ номерли автобус ҳайдовчиси Толибжон Остонақулов ана шулар орасида энг «номдори» саналади. Йўлларда юличилик қилишда унга ошнаси Рашиджон Ҳабибуллаев фаол ёрдам бермоқда.

«Набережная — Ҳамза» маршрути бўйича қатнайдиган 22-08 НАВ, 08-07 НАА номерли автобус ҳайдовчилари ҳам бояги акаларидан қолишмайди. Улар охирги бекатларга бориб олиб, бемалол чойхўрлик қилишади, турли кўнгил очар ўйинлар ўйнашади.

Биз бундай ажаб савдолар ҳақида Наманган область автотрести бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Лутфулла Хўжаевга бир неча бор арз қилдик. У киши: «Албатта, тўғрилаймиз», — деган ширин ваъдадан нарига ўтмаётир.

Г. СУЛАЙМОНОВ,
«Совет Ўзбекистони» газетасининг Наманган шаҳридаги мухбирлар пости бошлиғи.

СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

КУРАШ. Фрунзеда ўсмирлар ўртасида курашнинг классик тури бўйича мамлакат шахсий-команда чемпионати ўтказилди. мусобақада вакилларимиздан К. Камолов, А. Савин, К. Фатҳулиндар ўз вазнларига кўра СССР чемпиони номига сазовор бўлишди. Команда ҳисобида Киргизистон ҳамда Грузия коллективлари биринчи ва иккинчи фахрли ўринларни эгаллади. Ўзбекистонликлар учинчи ўринни олдилар.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети совғини учун қаҳрамон қиз Майна Ҳасанова хотирасига бағишланган мусобақанинг дастлабки босқичи старт олди. Наманган областининг 88 физкультура коллективида хотин-қизлар югуриш бўйича мусобақаларидир. Бунда 300 киши разряд нормативини бажарди.

ТЕННИС. «Спартак» спорт жамияти республика совети кубоги учун мусобақалар бўлди. Бунда Наманган, Хоразм, Фарғона, Бухоро, Самарқанд, Андижон, Тошкент областлари ва республика пойтахти командаси теннисчилари ўзаро куч синашдилар. Эркаклар ва аёллар ўртасида ҳам тошкентликлар совриндор бўлдилар.

ҲАР ТЎҒРИДА

«ЧЕКИШНИ ТАШЛАНГ!»

Люде (Англия)даги «Дэйл электрик» фирмаси ўз ишчи ва хизматчиларини «Чекишни ташланг!» шиори остидаги конкурсда қатнашишга таклиф этди. Фирма маъмурияти чақиригига жавоб берганларни мукофот кутарди. 140 кишидан 98 таси «синов»дан ўтиб мукофот эгаси бўлишди.

Фирмадаги сарф-харажат шундан сўнг тезда қопланди. Чунки, чекишни ташлаган кишиларда вақтни сарфлаш қамайди. Тежалган «иш соати»дан конвейерда қўшимча ишларни бажариш учун фойдаланиладиган бўлинди.

ЙЎЛДА... ЕЛКАНЛИ ҚАЙИҚ БИЛАН

Яқинда Голландиядаги автомобиль йўлларидан бирида ҳаракат қоидаси бузилди. Бетон йўлдан... елканли қайиқ елдан учиб борарди.

Ғилдиракка ўрнатилган қайиқдан «автомобиль» ясаган ёш архитектор «қонда бузувчи» сифатида ушланди. У қимматбаҳо бензин билан юрадиган двигатель ўрнига қадимий елкандан фойдаланган эди.

Антиқа транспорт воситаси яратган ҳайдовчини полиция кўйиб юборди; чунки, у якшанба куни бензин ишлатмай ва атроф муҳитни ифлос қилмай йўл босарди.

ДАВОЛАШ УСУЛИ

Америка шифохоналарида ичиликка ружу қилган шахсларни янгича усул билан даволаш қўлланилмоқда. Шифохонага танг аҳволда келтирилган шахслар суратга олинади. Кейинчалик у ўзига келганида, ҳар бир овқатланиш вақтида ўша «фильм»ни кўрсатилади.

Врачларнинг фикрича. беморларни асабига таъсир орқали даволаш анъанавий йўл-йўриққа нисбатан маълум даражада кучли бўлиб, ишни осонлаштиради.

(АПН).

ХУШХАБАРЛАР

ЙИРИК ЭЛЕВАТОР

Темир йўл орқали келтирилган пўлат рулонидан Целиноград чеккасида элеватор монтаж қилинди. Элеваторнинг бўйи беш қаватли уйникича, сиғими эса бир ярим минг тонна донни сиғдиради.

Бутуниттифоқ дончилик илмий-тадқиқот институтининг Козоғистон филиали мамлакатда биринчи пўлат элеваторини ишлатишни ўз назоратига олди. Бу ерда йиғилган маълумотлар янги типдаги янада катта дон омборларининг лойиҳаларини ишлаб чиқишда талаб қилинади.

Семипалатинскдаги омухта ем заводида ўт талқон учун рулон пўлатдан Қозоғистонда биринчи чоғроқ омборлар қурилди. Ҳозир ҳар бирига ўн минг тонна кетадиган ихтисослаштирилган металл элеваторлар қуришга тайёргарлик кўрилмоқда. Унда донадор ўт талқони нейтрал газлар муҳитида бўлади. Бундай усул емдаги каротинни яхши сақлайди.

ҚУЛАЙ ВА ПУХТА

Киев мотоцикл заводида янги моделдаги «МТ-10 Днепр» кажавали машиналарнинг тажриба саноат туркуми ишлаб чиқарилди. Улар ҳам шу маркада илгари ишлаб чиқарилган мотоцикллар сингари ҳар хил йўлларда яхши юради, лекин буниси анча қулай ва пухтадир.

Авволги алоҳида-алоҳида эгарлар ўрнига кўшалоқ эгар қўйилган. Мотоцикл янги конструкциядаги амортизатор, оптик элементли чироқ билан таъминланган. Бу чироқ йўлни анча яхши ёритади. Электр ускуна системаси анча такомиллаштирилган ва одатдагидек 6 вольтли кучланишга эмас, балки 12 вольтли кучланишга ҳисоб қилинган. Моторда ҳам ўзгаришлар бор. Унда ишлатилган чидамли деталлар мотор ресурсини 5-10 процент оширади ва ёнилғи сарфи ҳам анча қисқаради. (ТАСС).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 26/I да **Риголетто**, 27/I да **Евгений Онегин** (кундузи), **Марварид изловчилар** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/I да **Инқилоб тонги**, 27/I да **Йўқолган узук** (кундузи). **Шоҳ Эдип** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 26/I да **Ҳижрон**, 27/I да **Ҳижрон** (кундузи), **Хонума хоним** (кечқурун), 28/I да **Тошболта ошиқ.**

Ўзбекистон Пахта тозалаш саноати министрлиги ва Марказий лойиҳалаш конструкторлик бюроси коллективи бўлим бошлиғи В. С. Парпиевга отаси

Солиҳ ПАРПИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Р. 01165. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. № 22.